БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 190 (1710)
24 СЕНТЯБРЬ
ШАНБА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Ўтган йили эл хирмонига — тинчлик, бойлик, фаровонлик хирмовига 210 тонна «оқ олтин» тўккан машҳур механик-ҳайдовчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг овози Катта Кремль саройи минбаридан жаранглаб эшитилганида қадрдонимиз ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев ўзбек қизининг ғалабаси билан қутлаб: «бир киши юз кишининг ишини қилади, офарин» деб юксак баҳо берган эди.

Турсуной эл-юрт ишончини оқлаш мақсадида бу йил биринчи марта трактор-далачилик бригадасига бошчилик қилмоқда. Унинг мақсади катта, химмати баланд. У ўз бригадасида гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» кўтармоқчи, пўлат елкани билан 310 тонна «оқ олтин» термоқчи. Ана шу муқаддас ваъданинг илк самараси кўрина бошлади. Турсуной ғайрат билан универсал рулини бурай бошлади. У терган дастлабки бир неча тонналаб «оқ олтин» пахта пунктларига жўнатилди.

* *

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА ТЕРИМГА ТУШДИ

Бир оила 810 тонна пахта теради

Пахтани машинада теришда донг чиқарган Чиноз районидаги Киров номли колхоз далаларида агрегатларнинг ҳайқириғи яна янграй бошлади.

22 сентябрь куни дастлабки 6 та машина эгат оралай бошлади. Турсуной Охунова, унинг умрдоши Султон Шерматов, синглиси Инобат Охунова, моҳир механизатор Серевер Бекиров, Манноп Ғаффоров, Цери Эмиров ўртоқлар машиналар рулини маҳкам ушлаб пахта майдонларида жавлон ура бошладилар. Ўша куни ҳар бир механизатор учун машинани сўнгги марта синовдан ўтказиш куни ҳисобланди. Натижа чакки бўлмади. Ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда икки ярим тоннадан пахта терилди. Турсуной, гарчи тушдан кейин ишга тушган бўлса ҳам, хирмонга икки тоннага етказиб «оқ олтин» тўкди.

Ўша куни колхоз раиси ўртоқ Ғанибой Далибоев билан суҳбатлашдик. У ажойиб гапларни ўртага ташлади.

— Ўзингиз қиёс қилинг, — деди раис, — уч киши 810 тонна пахтамизни териб бермоқчи.

Масалан кимлар экан улар? — қизиқиб сўрадик.

— Буларнинг ҳаммаси бир оиланинг аъзолари. Турсунойнинг оиласи. Мана ҳисоблаб чиқа қолайлик, Турсунойнинг ўзи 310 тонна, эри Султон 300 тонна, синглиси Инобат 200 тонна пахта теришга ваъда берган. 810 тонна деганимиз шу.

Биз Турсунойлар даласига ошиқдик. Темир йўлдан ўтганимиздан кейин ўртоқ Донабой Сайидқулов ҳосилот бўлган участка бошланди. Бу участкада механик-ҳайдовчиларнинг гуллари ишлар экан. Турсуной Охунова бригадаси ҳам шу участкага жойлашган. Мана, 500 гектар пахта майдони. Шундан 350 гектари машина теримига ажратилган, ғўзалар машинабоп қилиб ўстирилган, биринчи машина терими ҳам шу участкада бошлаб юборилган. Участка бошлиғи Донабой Сайидқулов пайкал этагидаги тутзорга яқинлашиб қолган «СХМ — 48» машинасини кўрсатди.

— Турсунойнинг синглиси ўша. Бу йил қишлоғимиздаги мактабнинг 10-синфини тамомлади. Опасидек механизатор бўлишни орзу қилиб юрарди. Ҳаракатчан қиз экан, орзусига эришди.

Суҳбатимиз тугамасданоқ Инобат машинасини усталик билан айлантириб биз томон кела бошлади. Яқинлашганда кўзимизга ишонмадик. Сингил опага шунча ҳам ўхшайдими, Сариқ мағиз, буғдой юзли, Турсунойнинг ўзгинаси.

— Балли синглим, спангдан қолишмаяпсан, машинанг «ХВС — 1,2» бўлганида опангдек пахта терар экансан, — деди хурсанд бўлиб ҳосилот.

Бу сўзлар ёш механизатор қизга қанот боғлагандек бўлди. Унинг ихчам жуссаси машина устига қўшдек кўтарилиб, қўллари аъзамат машиналнинг қудратли рулини абжирлик билан ушлади. Машина бир силкиндию, эгат оралаб кетди.

Қанчалик улуғ иш қилди Турсуной. Унинг республикамизда мингдан ортиқ издошлари бор. У ўз синглисини ҳам механизатор қилиб етиштирди. «Механизаторлар оиласи!» балли шуларга!

Биз яхши таассуротлар билан Турсуной ҳузурига йўл олдик. Машина айланадиган ерда — пайкал чеккасида пахтани қопқаноксиз ташийдиган иккита прицеп турибди. Ҳар иккиси ҳам ярим тўлган. Бунинг биттаси Турсуной терган пахтани, иккинчиси Султон терган пахтани ташир экан. Катта пайкалда иккита «ХВС — 1,2» машинаси гуруллаб ишламоқда. Кўп ўтмай Султоннинг машинаси пайкал четига чиқди, у агрегатини прицепга мўлжаллаб айлантирди-да, тўхтади. Пахта жойловчи йигит қўлини кўтариб, яна олдинга силжишни илтимос қилди. Машина яна бир қўзғалди-ю, тақа тўхтади. Бункер прицепдан узоқроқ, қия туриб қолди.

Шу пайт машина бункерини тўлдириб етиб келган Турсуной:

— Яқинроқдан айлантириб қўйибсиз, — деди кулиб. Кейин ўзи рулга ўтирди-да машинанинг олдинга қараб ҳайдади ва чап томонга қайтариб туриб, орқага сурди. Машина бункери худди Турсуной машинасининг бункери каби прицепга ёнма-ён жойлашди.

Бу манзарани кузатиш кишига завқ бағишларди. Иш тиғиз пайтида келган эканмиз, Турсуной билан ҳам, Султон билан ҳам узоқ суҳбатлашолмадик.

Турсуной билан бўлган суҳбатимизда у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленуми очиладиган кунгача 170 тонна пахта теражагини, Султон ва синглиси Инобат 70—100 тоннадан пахта теришга ваъда берганини айтди.

—Мажбуриятимиз катта. Лекин уни албатта бажарамиз. Бизнинг ишимизни бутун республика кузатиб турганлигини яхши биламиз. Бу йил машина йили бўлади. Бизнинг колхозимизда ҳам машина терими ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан ўтказилади, — деди ишонч билан Турсуной.

Олижаноб иш бошладингиз Турсуной! Сизга ва бутун оилангизга, барча ҳамкасбларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Х. ТУРАЕВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА ҲАР БОШ СИГИРГА 30 ТОННАДАН СИЛОС БОСТИРИЛДИ

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтириш учун курашаётган Юқори Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 20 сентябрда силос бостириш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Район колхозлари ва совхозларида дастлабки мажбуриятда кўрсатилган 44 минг тонна ўрнига амалда 125 минг 40 тонна силос бостирилиб, бу соҳада уч йиллик план бажарилди. Районда ҳар бош сигирга 30 тоннадан силос тайёрланди.

«Политотдел», Свердлов номли, «Правда», «Гулистон», «Ўзбекистон», «Ленинский путь», «Коммуна», «Ленинизм» колхозлари ва кўпгина бригадалар маккажўхори етиштиришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар.

«Политотдел» колхозининг Ли Любовь, Свердлов номли колхозининг Ни Александр, «Правда» колхозининг Ким Чун Ок ўртоқлар бошлиқ бригадалари ҳар гектар ердан 1700 — 1800 центнердан маккажўхори кўк пояси олдилар.

Район колхоз ва совхозларида 45 минг 153 тонна дағал ем-хашак тайёрланиб, план 100,3 процент бажарилди.

Ҳозир район колхоз ва совхозларида нузги шудгор қизитиб юборилди.

Хушхабарлар

ОҚҚУРҒОН. Район чорвадорлари давлатга сут сотиш планини бажарганликлари тўғрисида хушхабар олинди. Пландаги 1460 тонна ўрнига 1462 тонна сут топширилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда 175 тонна кўпдир.

Чорвадорлар ўз имкониятларини ҳисобга олиб, йил охиригача яна 500 тонна сут топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

КАЛИНИН. Охунбоев номли колхоз 21 сентябрда давлатга сабзавот топшириш планини 100,5 процент бажарди. Давлатга 1683 тонна 400 килограмм сабзавот сотилди. Шунингдек пландаги 810 тонна ҳисобидан 500 тонна картошка топширилиб, бу соҳада ҳам план 61 процент бажарилди.

Колхоз яна 200 тонна сабзавот топшириш мажбуриятини олди.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ИККИ ЙИЛЛИК ГЎШТ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Район чорвадорлари 22 сентябрда областда биринчи бўлиб, икки йиллик гўшт сотиш планини бажардилар.

Давлатга 1272 тонна гўшт сотилди. Бу ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 698 тонна кўпдир.

Район колхозлари ва совхозлари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб бу йил давлатга кам деганда 2,1 йиллик план миқдорида гўшт сотиш мажбуриятини олдилар.

ОШКОРА СУҲБАТ

Совет ҳукумати бошлиғининг Нью-Йоркдаги резиденциясида ўтган бир кун

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь. ТАССнинг махсус мухбирлари Д. Горюнов ва В. Кондрашовлар хабар берадилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги совет ваколатхонасининг биноси Парк-Авендаги кўзга унча ташланмайдиган қадимий алоҳида бир уйда жойлашган. Шу кунларда бу уй нью-йоркликларнинг диққат марказида турибди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессияси ва ҳатнашувчи совет делегациясининг бошлиғи СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг резиденцияси шу ердадир.

Газеталарнинг, радио, телевидениенинг мухбирлари фотокамералари, овоз ёзувчи аппаратлар, радио ва телеустановкалари билан кундузи ҳам, кечаси ҳам шу бино олдида турибдилар дейиш мумкин. Улар Никита Сергеевич Хрушчевнинг бинодан чиқишини бир неча соатлаб, ҳатто, ёмғир остида ҳам кутиб турадилар. Журналистлар орасида газетхонларимизга таниш бўлган Америка матбуотининг йирик обзорчиларини ҳам кўриш мумкин. Совет ҳукумати бошлиғининг ҳар бир қадами фото ва кинопленкага олинмоқда.

Америка газеталарининг биринчи саҳифалари Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясида бўлиши ҳақидаги хабарлар ва фотосуратлар билан тўлдирилган бўлиб, булар катта сарлавҳалар билан босиб чиқарилмоқда. Ахир, ҳозирги вақтда Америка президент сайловларига тайёрланаётганлигини ва бу кампания бу ерда шовқин-суронлар билан ўтказилаётганлигини эсдан чиқариш мумкин эмас-ку. Никита Сергеевич келишига қадар газеталарда бу воқеага жуда катта ўрин берилди. Америка мухбирларидан бири Н. С. Хрушчевга ҳазил қилиб, Сиз Никсон ва Кеннедиларнинг суратларини газеталарнинг биринчи саҳифаларидан суриб чиқариб, улароа нисбатан адолатли иш қилмаётирсиз, деди.

Кеча журналистларнинг кўп кутиб туришлари бекорга кетмади. Тушки овқатдан кейин, Нью-Йорк вақти билан соат 3 да Н. С. Хрушчев соф ҳаво олиш учун ваколатхона биносининг балконига чиқди. Шу ондаёқ фотоаппаратларнинг камералари ишга солинди, кетма-кет кўп саволлар берилди. Никита Сергеевич мухбирларнинг СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясининг ишларига ва халқаро миқёсдаги бошқа энг муҳим проблемаларга тааллуқли неча ўнлаб саволларига ўзига хос ошкоралик, сиёсий донолик ва ўткир ҳажв билан жавоб қайтарди.

— Совет Иттифоқи Лумумба ҳукуматини ҳозир ҳам қўллаб-қувватламоқдами?

— Биз барча демократик принципларга риоя қилинган ҳолда сайланган ва Конго парламенти гасдиқлаган Конго қонуний ҳукуматини қўллаб-қувватлаймиз.

— Сиз «очиқ осмон» идеясига қандай қарайсиз?

— Ўз осмонингизда уча беринг-из, биз ўз осмонимизда ўзга самолётларнинг учишига ижозат бермаймиз.

Н. С. Хрушчевнинг журналистлар билан суҳбати тўғрисидаги хабар дарҳол бутун кўчага ёйилди. Қўшни уйларнинг деразалари ва балконларида неча юзлаб киши пайдо бўлади. Кўчанинг нариги томонида колледж бор. Ўқувчи қизлар машғулотларини тўхтатиб, деразалар олдига ёпирилиб келдидар ва қандайдир қўшиқни айтиб турдилар. Парк-Авень бўйлаб кетма-кет қатнаб турган жуда кўп автомашиналарнинг пассажирлари Совет ҳукумати бошлиғини таб риклайдилар. Улар машиналарнинг деразаларини тушириб, деразалардан бошларини чиқариб қўл ишораси билан табриклайдилар. Хизматига ҳақ оладиган шаллақилардан бири ҳам пайдо бўлиб қолади. Шу кунларда ана шундай разил шаллақилар Совет Иттифоқи шаънига душманликдан иборат бир неча сўз айтиш учун атрофтеваракдаги кўчаларга тўпланмоқдалар ва ана шу разил ишлари учун доллар билан ҳақ олганларидан кейин тарқалиб кетадилар. Биз пикетчи ҳақида гапириб ўтган эдик. Н. С. Хрушчев журналистлар билан суҳбат қилиб турган пайтда ана шу пикетчи машинада ваколатхонамиз биноси ёнидан камида 20 марта ўтди. Пикетчи чақон ҳаракатлари билан ўз фикрдошлари йўқлигини сездирмаслика уринган бўлса керак. Мухбирлардан бири пикетчини пайқаб бўлса керак, шундай савол беради:

— Сиз пикетчиларга қандай қарайсиз?

— Бемаъни, аҳмоқона ҳаракат, — деб жавоб беради Никита Сергеевич.

— Бизнинг ёнимиздан,—деб сўзини давом эттиради Никита Сергеевич,— жуда кўп машина ўтиб бораётганлигига назар солингиз. Кишилар менга нисбатан гоят дўстона қараётганликларини кўриб турибман, булар сизнинг ватандошларингиз — американликлар-ку.

— Рўпарадаги бинода қизларнинг «Тангрим, Американинг нажоткори бўл» деб ашула айтаётганликларини эшитиб турибсизми? Сиз бунга нима дейсиз?

— Майли, ашула айта берсинлар. Биз ҳам масалан, «Интернационал»ни куйлаймиз. Жуда яхши куйлаймиз: «Тур, эй, лаънат остида қолган, йўқсил ва қуллар дунёси!».

Икки ўртадаги гаплар баъзан жуда кескин тус олади. Эйзенхауэр ўрнига кимнинг келишини истар эдингиз, деб берилган саволларга жавоб қайтариб, Н. С. Хрушчев президент сайлаш Америка халқининг ишидир, деди ва Американдаги икки етакчи партия номзодлари ўртасида катта тафовут кўрмаймиз, деб айтди.

— Сизда ҳукуматни халқ сайлайдими, яъни Совет Иттифоқида сайлов эркинлиги борми?

— Бизда иштонлар йўқ, шу сабабли ҳамма иштонсиз юради. Ҳозир чопқиллаб бориб шу тўғрида ёзингиз,— деб жавоб қайтаради Никита Сергеевич, ҳамманинг кулгисини қистатиб. — Сиз қандай жоҳил одамсиз, ҳеч нима ўқимайсизми, ҳеч нимани билмайсизми. Бизнинг мамлакатимизда энг эркин демократик тузум мавжуддир.

— Сиз аввалдагидек ҳозирда ҳам Америка халқини кўмиб қўймоқчи бўласизми?

— Мен бундай бемаъни гапларни ҳеч қачон айтган эмасман. Ақлдан озган кишигина шундай ўйлаши мумкин. Халқ ҳамиша яшайди ва ривож топа беради.

Ўртоқ Хрушчев мухбирларнинг бошқа кўп саволларига, жумладан, Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти сессиясида қатнашаётган бир қанча давлатларнинг бошлиқлари билан учрашиш, матбуот конференцияси ўтказиш ниятидамисиз, Нью-Йоркда қанча вақт бўласиз, деган саволларга жавоб қайтаради.

Н. С. Хрушчевнинг ўткир, заковатли жавоблари резиденция олдида тўпланган кишиларда кучли таассурот қолдирди. Ҳатто, тартиб сақлаш учун қўйилган ва кўпни кўрган Америка полициячиларига ҳам бу ҳол таъсир қилди ва улар журналистларнинг маъқулловчи сўзларига қўшилиб турдилар.

Ана шу эркин, ошкора суҳбатнинг охирида Н. С. Хрушчев мухбирларга муваффақият тилади ва улар Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, умумий тинчлик ва фаровонлик манфаатлари йўлида ишлайдилар деб умид билдирди.

Нью-Йорк газеталарининг бугунги сонларида ана шу диалог тўғрисидаги батафсил ҳисоботларни, савол ва жавобларни Н. С. Хрушчевнинг резиденция балконида олинган фотосуратини босиб чиқардилар.

Қишлоқ қурилишига эътиборни кучайтирайлик

Тошкентда қишлоқ қурилиши бўйича республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари ва бўлим мудирлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари совет ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари, колхозларароо ва пудратчи қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари қатнашдилар.

Меҳмонлар орасида СССР Госстройи ходимлари, Украина, Тожикистон, Туркманистон делегациялари бор эди.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Н. Д. Худойбердиев** очди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қишлоқ қурилиши бош бошқармасининг бошлиғи **М. И. Кичанов** докладида ва музокараларда қишлоқ қурувчилари олдида турган катта вазифалар, қишлоқ бинокорларининг эҳтиёжлари ўз аксини топди. Кенгаш қатнашчилари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг янада ривожланиши муносабати билан ўз ишларининг перспективаларини ҳар томонлама муҳокама қилишди.

Колхозларароо қурилиш ташкилотларини янада мустаҳкамлаш,— деди кенгаш қатнашчилари, жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда республикамиздаги колхозларароо қурилиш ташкилотларининг сони 80 га етди. 600 қишлоқ хўжалик артели — республикамиздаги барча колхозларнинг 63 процента бундай ташкилотларнинг пайчилари ҳисобланади.

Колхоз қурувчиларини техника билан таъминлашни яхшилаш, индустриал методларни жорий қилиш, йирма темир-бетон конструкцияларни ва деталларни ишлаб чиқариш бўйича базалар вужудга келтириш, маҳаллий материаллардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этиш масалалари кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Кенгаш қатнашчилари моддий-техника таъминоти, қишлоқ қурилиш ташкилотларининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, уларнинг функцияларини кенгайтириш масалаларига катта аҳамият беришди, зарур бўлиб қолганда қурилиш ташкилотларини бирлаштириш лозимлиги таъкидланди. СССР Госстройининг вакили **Н. М. Иванов**, «Ферганстрой» трестининг бошқарувчиси **В. А. Стефанов**, Қатта-қўрғон колхозларароо қурилиш ташкилотининг раиси **С. Л. Аминов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ҳузуридаги колхозларда қурилиш бўйича бошқарма бошлиғи **Ф. Е. Ербаев** ўртоқлар шу масалалар ҳақида гапирдилар.

Электрлаштиришни янада ривожлантириш — кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Кенгашда шу нарса кўрсатиб ўтилдики, республикадаги 130 совхоз ва 270 дан ортиқ қишлоқ хўжалик артели электр қуввати билан доим таъминлаб турадиган манбаларга эга эмас. Етти йилликда барча қишлоқ хўжалигини электр қуввати билан таъминлаш ва ҳар бир қишлоқ аҳолисига ҳисоблаганда электр қуввати сарфлашни 140 киловатт-соатга етказиш назарда тутилади. Бу 1959 йилдаги даражадан 3.5 баравар кўпдир. Бу йил электрлаштиришга 72,6 миллион сўм сарфлаш планлаштирилган. Ҳозиргача бу маблағнинг жуда кам қисми ўзлаштирилди. Қишлоқ истеъмолчиларини давлат энерго системаларига қўшиш ва кичик, қимматга тушадиган гидроэлектростанциялар қуришдан воз кечиш мақсадга мувофиқ деган фикр айтилди. Ғиждувон колхозларароо қурилиш ташкилотининг раиси **М. Тоҳиров**, Сурхондарё область ижроия комитети ҳузуридаги колхозларда қурилиш бўйича область бошқармасининг бошлиғи **Д. Д. Давлатов**, колхозларда қурилиш бўйича Шовот район бўлимининг бошлиғи **М. Қориев**, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш институтининг ходими **В. Татур**, Тошкент область қишлоқ қурилиши трестининг бошқарувчиси **А. А. Ғаниев** илғор иш методларини қўлланиш, қурилиш ишларини пухта ташкил этиш ва унинг таннархини камайтириш, қишлоқ қурувчиларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш масалалари ҳақида тўхтаб ўтдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ё. С. Насриддинова** иштирок этди.

Кенгаш қатнашчилари барча қишлоқ қурувчиларини етти йиллиқнинг иккинчи йилини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга чақирдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Нью-Йоркда бўлиши

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. ТАССнинг махсус мухбири В. Кондрашов хабар беради: Н. С. Хрушчев кеча кечқурун Нью-Йоркда меҳмон бўлиб турган Того Республикаси бош министри Сильванус Олимпио ўтказган қабул маросимида ҳозир бўлди. Қабул маросимида А. Новотний, Н. В. Подгорний, К. Т. Мазуров, Бош Ассамблея сессиясига келган бошқа мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Нью-Йоркнинг бошқа ҳамма жойида бўлгани каби бу ерда ҳам Америка ва чет эл журналистлари Совет ҳукумати бошлиғини саммий қуршаб олдилар. Ўртоқ Хрушчев жуда хилма-хил саволларга жавоб қайтаради. Совет ҳукумати бошлиғининг эртага Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида сўзлайдиган нутқи асосий темаларнинг биридир. Суҳбатдошлардан бири Н. С. Хрушчевга яхши нутқ сўзлайсизми, деб савол беради.

Н. С. Хрушчев кулиб, саволга жавоб бериб айтдики, мен ҳамиша фақат яхши нутқ сўзлайман. Мен ёмон нутқ сўзлашни хоҳламайман. Мен соф қалбим билан, энг яхши ниятлар билан бу ерга яна келдим. Агар сизлар АҚШ-дан қайтиб борганимдан кейин сўзлаган нутқларимни ўқиган бўлсангиз, бу нутқларда Қўшма Штатларга қарши қаратилган бирор гап тополмайсиз. Бизга нисбатан қандай муносабатда бўлдилар? — «У—2» самолётини учирдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилардан бири тинч-тотув яшаш сиёсатининг истиқболлари тўғрисида савол беради. Менинг фикримча, дейди Никита Сергеевич, фурсат тинч-тотув яшаш сиёсати тарафдорлари фойдасига ишламоқда.

Бош министр Олимпио Н. С. Хрушчев ёнига келади. Улар ўртасида дўстона суҳбат бошланади. Совет ҳукуматининг бошлиғи гулдурос қарсаклар остида Тогонинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, Африкадаги бошқа халқларнинг мустақиллиги учун қадаҳ кўтаради.

Н. С. ХРУШЧЕВ К. Нкрума билан учрашди

СССР Министрлар Совети Раиси ҳузуридаги матбуот группаси хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қатнашувчи совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 22 сентябрда тушдан кейин Гана Республикасининг президенти К. Нкрума билан учрашди.

Суҳбат вақтида Н. С. Хрушчев ва К. Нкрума ўзларини қизиқтираётган ҳалқаро аҳвол масалалари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг шу сессияси ишлари юзасидан фикр олишдилар.

Суҳбат самимийлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтди.

Непал парламент аъзоларининг Ўзбекистонда бўлиши

22 сентябрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова Непал парламенти юқори палатасининг раиси Дамбар Баҳодир Сингх бошчилигидаги Непал парламент делегацияси шарафига зиёфат берди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган зиёфатда Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Ғ. С. Султонов, СССР Олий Совети депутатлари Б. Ғ. Ғафуров ва С. Н. Нуриддинов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. О. Маъруров, республика министрлари Э. Қ. Қодиров, А. А. Саримсоқов, А. А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари ҳозир бўлдилар.

Ё. С Насриддинова меҳмонларга мурожаат қилиб, кўп миллатли Совет давлатидаги ҳамма халқлар билан бирга ўзбек халқи ҳам узоқ давомли фидокорона курашда ўз ватанининг мустақиллигини сақлаб қолган ва ҳозир янги ҳаёт қураётган мард Непал халқига саммий дўстлик ва хайрихоҳлик билан қараётганлигини таъкидлади.

Делегация бошлиғи — Непал парламенти юқори палатасининг раиси Дамбар Баҳодир Сингх ўзининг жавоб нутқида Непал парламенти аъзолари республикада меҳмон бўлиб турган даврда истеддодли ўзбек халқининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлганлигини миннуниятлик билан таъкидлади.

Зиёфатда Непал парламенти қуйи палатасининг депутати Рудра Прасад Гири сўзга чиқиб, тинчликни ҳимоя қилиш йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаётган Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчев шарафига, шунингдек БМТ Бош Ассамблеяси ишида қатнашишга қарор қилган Непал ҳукумати бошлиғи Коирала жаноблари шарафига қадаҳ кўтарди.

Непал парламенти аъзоларига эсдалик совғалари тақдим этилди.

23 сентябрь эрталаб Непал парламенти аъзолари ва уларнинг ҳамроҳлари Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Непал, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган аэродромда уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Р. Ғ. Ғуломов, республика Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Ғ. С. Султонов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. О. Маъруров, министрлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари узатиб қолдилар.

Р. Ғ. Ғуломов парламент аъзоларига мамлакат бўйлаб хайрли сафар қилишларини тилаб, уларнинг сафари Непал-Совет дўстлиги тобора мустаҳкамланаётганлигининг намойиши бўлишига ишонч билдирди. Дамбар Баҳодир Сингх меҳмондўстлиги учун ва парламент аъзолари республикада меҳмон бўлиб турган даврда истеддодли ўзбек халқининг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлганлигини миннуниятлик билан таъкидлади.

(ЎзТАГ).

ЎЗКОМПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ШАРАФИГА

ҒАНИМАТ ҲАР БИР КУН, ТЕРИМГА ЗЎР БЕР,

Пахтакор ўртоқлар! Йиғим-теримда ҳал қилувчи долзарб кунлар келди, ишга яроқли барча кишиларни, машиналарни теримга тўла сафарбар этайлик, давлатга пахта топширишда илғорларга тенглашайлик!

☆

СУРЪАТНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

Колхозимиз аъзолари бу йил 1259 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 20 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда колхозчиларимиз ана шу ҳосилни жадал териб олишга киришиб, астойдил ишламоқдалар.

Теримнинг дастлабки кунларида кунлик норма 60 килограмм белгиланган эди. Ҳозир пахта теримига қатнашаётган 263 киши ўрта ҳисобда хирмонга 70-80 килограммдан пахта топширяпти. Шунинг учун ҳам колхозимизда кунига пунктга бир процентга етказиб пахта жўнатилмоқда. Рисбуви Қовулбоева, Ҳури Қўғирова, Зарифа Ҳавобоева, Қизларой Расулова, Русуной Давлатова каби кўпгина илғор теримчиларимиз кунига 170-180 килограммдан пахта термоқдалар. Ўртоқ Умир Абдурахмонов бошлиқ бригада аъзолари энг олдинда бораётир. Улар кунига 1,2—1,3 процент миқдорида пахта теришяпти.

Пахтани қуритиш, қоплаш ва пахта пунктига жўнатиш ишлари марказлаштирилган ҳолда ўтказилаётир. Учта катта асфальтланган марказий хирмон қурдик. 1-хирмонда 2 та, 2-хирмонда 4 та, 3-хирмонда 3 та бригаданинг пахтаси қуритилади. Бу эса терим даврида пахтани қуритиш, қоплаш ва юклашда қатнашадиган ишчи кучларини тежаш, транспорт воситаларидан унумли фойдаланиш имконини бераётир.

Теримнинг ҳозирги суръати бизни қаноатлантирмайди. Мақсадимиз сентябрь ойида 35—40 процент ҳосилни давлатга топширишдан иборат. Шу сабабли пахта теримига 400 дан кўпроқ кишини жалб этишмиз, айниқса машина билан пахта теришни уюшқоқлик билан ташкил қилишимиз лозим.

Бизда 12 та пахта териш машинаси бор. Бу машиналар билан 600 гектар ердаги ҳосилни териб олмоқчимиз.

Яқинда теримга тахт қилиб қўйган машиналаримиз ишга тушади. Натижада колхозимизда терим суръати янада ошади. Сентябрь ойида 35—40 процент миқдорида пахта териб оламиз.

Эрубой УРОЛОВ,
Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози партия ташкилотининг секретари.

Кўпцентнерчилар

Етиштирилган мўл ҳосилни сира нобуд қилмай ўз вақтида йиғиб-териб олаётган колхозчилар, механик-ҳайдовчиларнинг ғайратига балли! Оржоникидзе районидаги колхоз далаларини айланиб ердаги илғор бригадалар иши билан танишган киши шундай дейди.

«Қизил Ўзбекистон» колхозида бу йил давлатга 5015 тонна ҳосил топширилади. Шунинг 1700 тоннаси машинада терилади. Колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров бригадасида терим айниқса қизғин. Бригада кун сайин кўп пахта тайёрламоқда.

«Сталинград» колхозининг Холмат Муҳамедов бошлиқ 3-бригадаси аъзолари 480 тонна пахта учун курашмоқдалар. Ҳозир кунига 1—1,5 процент пахта тайёрланаётир. Бунда кўпмингкилограммчи Насибахон Ҳайитова, Анзират Аҳророва, Қундузой Мамбетова ўртоқлар 70—80 килограммдан пахта термоқдалар. Ҳар гектар ердан 40 центнерга етказиб ҳосил олиш учун курашилмоқда.

Н. КАРИМЖОНОВ,
С. МИРЗАЛИЕВ.

Агрегатларнинг иш унуми тобора ортиб бораётир. Кам деганда 80 процент ҳосилни машинада теришга аҳд қилган «Малик» совхозининг ишчилари теримда ғайрат қилмоқдалар. Совхознинг 3-бўлими машина теримида олдинда бораётир. Суратда: 3-бўлимнинг 3-бригадаси машина теримни пайти. Ўнгда моҳир механик ҳайдовчи Туруш Латипов бункердаги пахтани автоприцепга ағдармоқда.

А. Палехов фотоси.

Кўтаринки руҳ билан

ЯНГИБОЗОР, 23 сентябрь. (Телефон орқали олинди). Юқори чирчиқлик пахтакорлар теримда ғайрат кўрсатмоқдалар. Колхоз далаларида тобора меҳнат авжига чиқиб «оқ олтин» хирмонлари кунсайин салмоқли бўлаётир. Шу туфайли кейинги 10 кунликдаги иш якун қилинганда улоқ юқори чирчиқлик пахтакорларга тегди: Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи шу районга берилди.

Бу мукофот пахтакорларни руҳлантириб юборди. Ана шу муносабат билан район марказида бўлиб ўтган йиғилишда меҳнаткашлар илғорликни қўлдан бермаслик учун яна ҳам астойдил ишга киришишларини айтдилар.

— Бизнинг заводимиз, — деди каноп-жут заводининг ишчиси Мирзобид Пўлатов, — «Ленинизм» колхози пахтакорларига теримда ёрдам бермоқда. Кўчма Қизил байроқ уларни ҳам янги ютуқларга илҳомлантиради. Мен ўзим ҳар куни 80—100 килограммдан пахта термоқдаман. Бундан кейин ҳам бўш келмайман. Суръатни ошираман, кам деганда 100 — 120 килограммдан «оқ олтин» териб топширамен

2- тикув фабрикасининг хизматчиси Раиса Аҳмадалиева, район сув хўжалиги хизматчиси Любовь Колесмейцова, район соғлиқни сақлаш бўлимининг ходими Лидия Романченко ва бошқа ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш ишига муносиб ҳисса қўшамиз, ҳар куни 80 — 90 килограммдан, бутун мавсум давомида эса кам деганда 3 — 5 тоннадан пахта терамиз, деб айтишди.

Шу кунларда районнинг қайси бир хўжалигида бўлманг, илғорликни қўлдан бермаслик мақсадида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларни кўрасиз. Механик-ҳайдовчилар пўлат отларини дадиллик билан ҳайдаб, хирмонга кундан-кунга кўп пахта тўкмоқдалар. Кўпмингкилограммчи чеварларнинг ютуғи ҳаммани қувонтирмоқда.

Мана, Свердлов номли колхоз пахтазорлари. Бу ерда Мария Қулумбетовани моҳир теримчи деб таърифлашади. Бу бечиз эмас. Мавсумда кам деганда 15 тонна пахта теришга аҳд қилган Мария ҳар куни 200 — 230 килограммдан пахта термоқда. Унинг дугоналари Холбуви Бердиалиева, Шумор Эрматова, Марҳамо Ирисовалар ҳам ундан қолишмаётирлар. Ҳар куни 160—190 килограммдан пахта термоқдалар. Бундай илғорларнинг ғайрати туфайли колхоз ҳар куни 2,05—2,09 процент пахта тайёрлаб, сентябрь ойи графигини бажариш учун курашмоқда.

Шунингдек «III Интернационал» колхозининг ўртоқ Хурсанали Обидов бошлиқ бригадасида ҳам кўпмингкилограммчи теримчилар юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Комсомол аъзоси Эргаш Аҳмедов кеча 250 килограмм пахта териб район бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди. Бундайлар колхозда кун сайин кўпайиб бормоқда. Маҳбуба Бегматова, Тошбуви Абдиева, Зубайда Утенбоевалар ҳам хирмонга 170 — 180 килограммдан пахта топширмоқдалар.

Р. ДОВУТБЕНОВ.

ҲАР КУНИ 4—5 ПРОЦЕНТ

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Тельман номли колхознинг ўртоқ Жавод Обидов бошлиқ бригадаси йиғим-теримда олдинда бормоқда. 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун курашаётган бу бригада илғорлари кун сайин суръатга-суръат қўшаётирлар.

Кўпмингкилограммчи чевар теримчиларнинг ғайрати ҳаммани қувонтиради. Ортиқ Ҳусанов, Мухтор Халилов, Закия Иброҳимова, Рафиқа Мавлонова, Маҳбубэ Ғафурова, Маҳбула Бакирова, Ҳадича Исаева сингари ўртоқлар кунига 170—180 килограммдан пахта термоқдалар. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти уларни рағбатлантириб, тикув машинаси ва қимматбаҳо кийимликлар билан мукофотлади. Бундан руҳланган кўпминг килограммчи теримчилар янада астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бригада бўйича ҳар куни 10—12 тонна, йиллик планнинг 4 — 5 проценти миқдорида пахта тайёрланяпти. Ана шу терилган пахталарни қоплаб, араваларга ортиб жўнатишда хирмонда ишлаётган колхозчилардан Мансур Ғафуров, Мамат Ашрапов, Хосия Ашрапов ўртоқлар ҳаммага намуна бўлаётирлар.

А. АБДУЛҲАКИМОВ.

Маҳкамбой 10 кунда 2105 килограмм пахта терди

Бўка район Вильямс номли колхознинг илғор теримчиси Маҳкамбой Ҳакимов кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилиб, бу йилги мавсумда 15 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган эди.

Бу ғайратли йигит 10 кун ичида 2105 килограмм пахта териб, кўпчиликни қойил қолдирди. Ҳозирги кунда у бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб, кунига хирмонга 200—230 килограммдан «оқ олтин» тўкмоқда.

К. ЭЛМУРОДОВ,
У. НЕЪМАТОВ.

☆ ☆

БУ ЙИЛ ҲАМ МУСОБАҚАЛАШАМИЗ

Жониҳон Тожибоева Красин номли колхозда оддий теримчи бўлиб шуҳрат қозонган. Колхоз правлениеси уни ўтган йили звенога бошлиқ қилиб тайинлади. Жониҳон звенога раҳбарлик қилиб, пахта майдонларида мўл ҳосил етиштирди. Терим мавсумида звено аъзолари билан бир қаторда пахта терди. Моҳир теримчи хирмонга 16 тонна «оқ олтин» топширди.

Бу йил эса Жониҳон бригадага бошлиқ қилиб кўтарилди. У, кўпчиликнинг ишончини оқлаш учун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилди. Жонкуяр пахтакор мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилишини таъминлади. Натижада бригада колхозда биринчи бўлиб пахта теримини бошлаб юборди.

Жониҳон терим суръатини кучайтириш, сифатини яхшилаш ва иш унумининг ортиши учун ҳамма тадбирларни кўрди. Теримчиларга участкаларни бириктирди. Бригада бошлиғи теримнинг дастлабки куни далаларни айланди. Теримчиларнинг ҳаракатига назар ташлади. Уларнинг ишидан қаноат ҳосил қилгач, ўзи ҳам бир эгатга тушиб, лўппи пахталарни тера бошлади.

Жониҳон эгатнинг ўртасига боргач, атрофига қаради. Беш эгат нарида пахта тераётган дугонаси Хосиятхонга мурожаат қилди.

— Бу йил ҳам кўпминг килограммчилар ҳаракатига қўшилдим, — деди Жониҳон дугонаси Хосиятхонга қараб.

— Сиз билан мусобақалашсам деган умидламан.

Хосиятхон мамнуният билан чақириқни қабул қилди. «Аммо, — деди у, — барибир бу йил менга ета олмайсиз. Негаки, мен теримчи, сиз бўлсангиз бригада бошлиғи».

Жониҳон қўлини ҳаракатдан тўхтатмай, Хосиятхонга:

— Синглим, бригадирлик ўз йўлига, бу иш терим суръатига асло ҳалақит бермайди, — деб жавоб берди.

Пахта терувчи қизлар гапга аралашди. Агар, — дейишди, қизлар, — бригадир опам суръатда бўшашсалар, биз ёрдамлашиб юборамиз.

Жониҳон дугоналарининг ҳимматидан ҳурсанд бўлиб, янада чақ-қонроқ ҳаракат қила бошлади.

Тушки овқатда ҳамма дала шийпонига тўпланди. Табелчи теримчиларнинг пахтасини бирин-кетин тортa бошлади. Хосиятхоннинг пахтасини тортар экан, табелчи Жониҳонга маъноли қараб «52 килограмм» деди. Тарозига Жониҳоннинг терган пахтаси қўйилди. Тарози 51,2 килограмм рақамини кўрсатди.

Теримнинг биринчи кунида Жамила Таслнева 50,5 килограмм, Эрисой Яхшибоева 50,1 килограмм пахта тўкди. Бошқа теримчилар ҳам 40—52 килограммдан пахта теришибди.

Кечқурун умумий ишга якун ясалди. Хосиятхон Қамбарова 110 килограмм «оқ олтин»ни хирмонга тўкканида бригада бошлиғи Жониҳон Тожибоева 110,5 килограмм пахта тергани қўшни бригадаларга ҳам эшитилди.

Бригаданинг 28 теримчиси 90—98 килограммга етказиб пахта терибди, кунлик топшириқ 2,5 баравар бажарилибди.

Қуйи Чирчиқ районидаги Красин номли колхозининг Ҳасан Жондоров, Матен Пердаев ўртоқлар бошлиқ бригадалари теримчилари ҳам қизғин ишга киришдилар. Етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун кураш тобора авж олмоқда.

А. НАБИХУЖАЕВ.

Кўчали ғайрат қилмоқда

Каналнинг пастки томонидаги катта пайкалга эрта саҳарда етиб келган Кўчали бир этак устига иккинчи этакни боғлаб эгатга тушаркан, ён эгатдаги икки этак тўла пахтани кўриб қолди.

— Оббо, қизлари тушкур-эй, бугун ҳам мендан олдин келишиптда, — дилидан ўтказди у ва чаққон ҳаракат билан теримга тушиб кетди. Унинг қўллари лўппи пахталарни кўз очиб-юмгунча тортиб олиб этакка ташлар, яна янги чаноқлар устида ҳаракат қилар эди.

— Ҳорманг, Кўчали ака, — қарши томондан териб келаётган қизнинг бири — бригаданинг доғдор теримчиси Азаматой Аслонова йигитга гап ташлади шунда. — Бу теришингизда иш бардош бермайди-ку сизга...

— Энди сизларга ўхшаб, доғдор теримчилардан эмасмиз, — Азаматойнинг сўзини ҳазилга ёйиб деди Кўчали. — Қўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз-да.

— Ҳафа бўлманг, Кўчали ака, ростдан ҳам сизнинг ҳаракатингизга ҳавасим келяпти. Ундан кейин, биз доғ таратиш учун жон куйдираётганимиз йўқ. ёз бўйи меҳнат қилиб етиштирган ҳосилимизни нобуд қилмай териб олсак, эл-юрт олдида берган ваъдамизни бажариб юзимиз ёруғ бўлса, бизга кераги шу, — деди кулиб Азаматой.

Йигит ҳам «ҳафа эмасман» дегандай қизларга қараб жилмайиб қўйди. Улар яна завқ-шавқ билан теримга берилишди.

Эрталабки, нонуштагача қизлар 25 килограммдан, Кўчали эса 22 килограмм пахта териб қўйдилар.

«Коммунизм» колхозининг «Тўқсонбир» участкасидаги коммунист Тўраб Жалолов бошлиқ бригадасида пахта йиғим-терими кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Бригада кундалик пахта териш ва топшириш колхознинг Фрунзе участкаси бўйича олдинда бораяпти.

Мавсумда 10—12 тоннадан «оқ олтин» териб топшириш мажбуриятини олган моҳир теримчилар орасида Кўчали Қўшчиев ҳам бор. Бу азамат йигит ўтган йили бир кунда 200 килограммдан ҳам ошириб пахта териб, бригаданинг чевар теримчилари Азаматой Аслонова, Айтгул Маҳкамовалардан қолишмаган эди. Кўчали бу йилги мавсумда ҳам камида ўн икки минг килограмм «оқ олтин» териб беришга аҳд қилган.

Сўзи билан иши бир бўлган бу йигит теримнинг дастлабки куниданоқ енг шимариб ишга тушди. Дастлабки кундари 65-70 килограммдан пахта терган Кўчали шу кунларда суръатни кучайтириб, 120—130 килограммгача етказаётир.

Мажбуриятга яраша мардона меҳнат қилаётган Кўчали Қўшчиевдан бутун бригада аъзолари миннатдор.

Бригаданинг кўпчилик майдони қиядикдан иборат бўлишига қарамай, пахтакорларнинг астойдил ғайрати туфайли бу йил мўл ҳосил етиштирилди. 109 гектар ернинг қайси пайкалини ораласангиз ҳам, чаман бўлиб очилган «оқ олтин» дурдоналарини кўрасиз.

— Бу йил она-Ватан хазинасига планда белгиланган 338 тонна ўрнига, камида 350 тонна «оқ олтин» тўкишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Тўраб Жалолов.

Ҳа, Азаматой, Айтгул каби чевар қизлар, Кўчалидай забардаст йигитлар ғайрат қилиб турса, мажбурият бажарилиши турган гап.

Б. МИРЗААҲМЕДОВ,
Янгийўл райони.

Ғанишерчи бригаданинг чеварлари

Ўртоқ Сорахон Шодмонова бошлиқ бригаданинг пахта далаларида иш қизғин, терим авжида. Йигит ва қизлар бир-бирлари билан мусобақалашиб бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта териш учун курашмоқдалар. Қўйсинхон Раимова, Ойимхон Норқуловалар теримнинг дастлабки кунларида эл хирмонига 120—150 килограммдан «оқ олтин» тўккан эдилар. Эндиликда улар суръатни кучайтира бориб ҳар куни 200 килограммдан пахта теришга эришмоқдалар.

Бригада аъзолари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олганлар. Ҳа, далада ана шу мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил бор. Эндиги ҳамма гап шу ҳосилни сира нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва давлатга топширишда қолган. Бригада аъзолари бунга яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам қимматли фурсатни бой бермай аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар.

Гулистон районидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Б. Муродов бошлиқ бригадасида ҳам меҳнат яхши уюштирилган. Колхозчиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берилган. Бу бригадада ҳам кўпмингкилограммчи теримчилар оз эмас. София Мариева, Поэма Гладзе ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Х. ХАЛИЛОВ.

— Бу йилги мавсумда 15 тонна пахта териш учун курашмоқдаман, — деди Янгийўл районидаги Сталин номли колхозининг аъзоси Холисхон Муҳиддинова, — албатта ўз сўзимнинг устидан чиқаман. Кўпмингкилограммчи теримчи Холисхон ҳақиқатдан ҳам ваъдага вафо қилмоқда. Кунига 170—200 килограммдан пахта тераётир.

С. Аҳмедов фотоси.

Далалардан дараклар

Гулистон. Кенг пахтазор майдони. Эгатларга қарасанг, лўппи-лўппи очилган «оқ-олтин»ларга кўз тушади. Шундай кунларда вақтни қўлдан бой бермаслик учун астойдил меҳнат қилаётган «Коммуна» колхозининг аъзолари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Механик-ҳайдовчилардан Салимжон Маъмуров мавсумда 150 тонна пахта термоқчи. Колхоз кун сайин кўп пахта тайёрламоқда. Шу райондаги «Ленинград», «Ленинизм» колхозларида ҳам пахта терими авж олиб кетди.

А. Мирсайидов,
Қ. Жўрабоев,
А. Хўжаназаров.

* * *

Оржоникидзе. Пахта далаларига кўз югуртирар экансиз, машиналарнинг гувиллаши, теримчи йигит-қизларнинг шўх яллаларини эшитиб, завқланасан киши. Гап Киров номли колхоз тўғрисида бормоқда. Бу ерда ёшлар қатори 90 ёшли Эгамберди ва Ҳасан оталар ҳам пахта теришяпти. Улар мўл-кўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиб олишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Оталар мавсумда 3 минг килограммдан пахта теришга ваъда бериб, кунига 70—80 килограммдан пахта тераётирлар.

К. Ортиқов.

* * *

Оққўрғон. Районидаги Ленин номли колхоз аъзолари теримни биринчилар қаторида бошлаган эдилар. Назир Аҳмедов, Қурбонгул Холбоева сингари ўртоқлар кунига 150—200 килограммдан «оқ олтин» териб, илғорлар сафидан ўрин олмоқдалар.

Х. Аҳмедов.

* * *

Юқори Чирчиқ. «Ленинизм» колхозининг Мурод Шералиев бошчилик қилаётган бригада аъзолари 93 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта топшириш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар. Бригада аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очиладиган кунгача планни бажариш учун курашаётирлар.

Н. Синдибоев.

* * *

Калинин. Қуйбишев номли колхознинг Огабек Бекпўлатов бошлиқ звеносида қовун-тарвуз ҳосили мўл бўлди. Бу звено 15 гектар майдоннинг икки ярим гектарига қовун-тарвуз экиб, ҳозиргача 75 тонна ҳосил олди.

Қ. Зокиров.

(Социалистик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан	Районлар номи	Бир кунда	Максум бошидан
Юқори Чирчиқ	1,70	16,07	Янгийўл	0,84	6,21
Ўрта Чирчиқ	1.27	9,44	Сирдарё	0,76	5,89
Чиноз	1,18	8,74	Гулистон	0,35	5,51
Пискент	0,49	8,37	Бекобод	0,18	5,24
Бўка	0,41	6,47	Қуйи Чирчиқ	0,76	4,31
Оржоникидзе	0,92	6,46	Янгиер шаҳри	0,62	3,88
Оққўрғон	0,65	6,35			

САОДАТ

(СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ, МЕХАНИЗАТОР САОДАТ ГУЛАҲМЕДОВАГА)

Эл фахрисан, э чевар Саодат,
Қутлар сени, юрт севар Саодат.
Ҳар тонгда қуёш жамолин очгач
Аввал сени қаршилар, Саодат,
Жўшқин пўлат отинг садоси,
Кенг водини янгратар, Саодат,
Ғўзалар очилиб чаман чаноқда,
Ҳар лаҳза сени кутар, Саодат.

Оқ нуқра момиқ лўппи юзлар,
Ол деб сенга юз тутар, Саодат.
Оқ тоғ дема ул қад кўтарган-
Хирмонга тўкар зар Саодат.
Меҳнат самарни нашъали завқи,
Бир ўзгача кайф қилар Саодат.
Ваъдага вафо мардлар учун хос,
Олтин ўпиб, қуч зафар, Саодат.

Ж. АСОМИДДИНОВ.

500 минг тонна учун!

ДУРДОНА ПАХТАНИ ТЕЗ-У, ТОЗА ТЕР!

Бундан кейин терим суръатининг ошиши ҳар бир теримчининг баракали меҳнатига ва машинанинг унумли ишлашига боғлиқдир. Теримчи ва механизатор ўртоқлар, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилингиз, кундалик нормани ошириб бажариш учун астойдил курашингиз!

Машина теримига катта эътибор берилмоқда

Илгари Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда (раиси Кусаев, партия ташкилотининг секретари Мусабеков ўртоқлар) машина теримига кам эътибор берилар эди. Бу йил эса колхоз 1220 гектар ерда пахта етиштирди. Бунинг 500 гектаридагиси машина ёрдами билан териб олинади. Терим машиналарида 24 механик-ҳайдовчи ишлайди. Уларнинг кўпчилиги комсомол-ёшлардан иборат.

Яқинда колхоз правлениси ва бошланғич партия ташкилоти ўтган йилги камчиликларни такрорламаслик учун колхоз активларининг кенгашини ўтказди. Кенгашда пахта йиғим-теримида механик-ҳайдовчиларнинг иштироки ва пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш масаласи муҳокама қилинди.

Республика механизаторларининг II съездида иштирок этган ўртоқ Тоғай Анорбоев биринчи бўлиб сўзлади.

— Мен,— деди у.— ўтган йили «СХС-1,2» маркали машина билан 98 тонна пахта териб бердим. Бу йил эса пахта териш машиналарининг конструкцияси анча яхшиланди. Янги чиқарилган маркали терим машиналари билан кўп ҳамда сифатли пахта териш мумкин. Энди мен ХВС-1,2 маркали машинада 200 тонна пахта териб бераман ва комсомол аъзоси Абубакир Умаровни мусобақага чақираман.

Коммунист механик ўртоқ Ёқуб Содиқов ўз сўзида колхоз правлениесининг ўтган йилда машина теримига бефарқ қараганлигини қаттиқ танқид қилди. Масалан, колхозда механик-ҳайдовчиларга ўз вақтида ҳақ тўлаб борилмади. Механизаторлар ёнилғини тежаш соҳасида катта камчиликларга йўл қўйдилар, запас қисмлар правление томонидан вақтида келтириб берилмади.

Механик-ҳайдовчилардан Турсунбой Маматқулов, Султон Ҳожиаҳмедов, Жума Йўлдошев, Фахриддин Эргашев ўртоқлар мавсумда 100—150 тонна пахта териш мажбуриятини олдилар. Правление бу йил ҳар бир механик-ҳайдовчига терилиши лозим бўлган алоҳида участка ажратиб берган.

Ҳозир колхозда пахтани машина билан теришга асосан киришилди. Терим машиналарининг 2 сменада ишлаш графиги тузилди. Машина теримига мўлжалланган майдонлар кўздан кечирилди. Бульдозер ва грейдерлар ер чеккаларини, йўлларни текислади, механиклар терим машиналари тахтлигини яна кўрикдан ўтказдилар.

Колхоз 25 сентябрдан бошлаб пахтани машина билан теришга қизғин киришади. Бу йил ана шу соҳага катта эътибор берилмоқда.

Аҳмад ҲАСАНОВ.

Юқори Чирчиқ районидаги Жумабозор пахта пункти колхозлардан келаётган янги ҳосилни ўз вақтида пешма-пеш қабул қилиб олмоқда. Суратда: старший лаборантка ўртоқ Фотима Ҳасанова пахтанинг сифатини текшириб кўраётир. Фотима шу кунгача 500 тоннадан ортиқ пахта қабул қилди.

В. Панов ва **А. Убайдуллаев** фотоси.

Пахта майдонига

Пахта йиғим-терими оммавий тус олди. Ана шундай қайноқ меҳнат палласида ҳар бир киши бу ишга ўзининг қай даражада ҳисса қўшишини аниқлаб олгуси келади. Негаки, ўзбек халқининг 3 миллион 170 минг тонна «оқ олтин»и учун кураши умумхалқ курашига айланиб кетган.

Республика кинофикация ва кинопрокат бош бошқармаси ходимлари ҳам ўз ишларини пахта йиғим-терими мавсумига мослаб олиб бормоқдалар. Бу йил қишлоқ районларида ишлаб турган киноустановкаларнинг сони 1064 тага етди.

Фақат областимиз районларида 150 га яқин киноустановка пахтакорларга маданий хизмат кўрсатмоқда.

Пахтакорларга кўрсатиладиган фильмлар репертуари ранг-баранг қилиб тузилган. Қишлоқ меҳнаткашларига «Машина — пахтакорнинг яқин дўсти», «Пахтачиликда Валентин Тюпко бригадаси иш тажрибалари» каби хроникал-ҳужжатли ҳамда илмий-оммабоп фильмлар, шунингдек «Маҳаллада дув-дув гап», «Иккинчи баҳор», «Гуллар очилганда» каби бадиий фильмлар кўрсатилади.

Д. МУМИНОВА.

Тез ва тоза терилмоқда

Бўка районидаги Вильямс номли колхознинг ўртоқ Эркин Холбоев бошлиқ бригадасида пахта терими бу йил районда биринчилар қаторида бошланди. Бригада аъзолари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар.

Бригадада теримнинг биринчи куни 600 килограмм пахта терилган бўлса, шу кунларда эса 2 тоннадан ортиқ пахта терилмоқда.

— Бизда,— дейди бригада бошлиғи ўртоқ Э. Холбоев,— С. Деҳқонбоева, Х. Бекназаров, Х. Ҳамроева ва К. Йўлдошева каби кўпминг килограммчи теримчилар бўлганлиги сабабли кунига терим нормасини ошириб бажармоқдамиз. Биз Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги кунигача зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни тўла бажарамиз.

Шунингдек колхознинг ўртоқ Р. Хожибеков бригадасида ҳам йиғим-терим суръати кундан-кунга авж олмоқда. Шунинг учун ҳам кунига колхоз бўйича 8—10 тоннадан пахта терилиб, ўз вақтида қабул пунктларига жўнатилмоқда.

Т. ҚОСИМ

Илғор теримчилар

Суратларда: (юқоридан пастга) Руқия Азимбоева — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг кўпмингкилограммчи теримчиси. Руқия ҳар куни 250—300 килограмм пахта термоқда. Ҳикоят Назирова — Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг аъзоси. Назирова мавсумда кам деганда 10 тонна пахта териш учун қурашмоқда.

М. Шевелев фотолари.

ҚАНИ, КОММУНИСТЛАРНИНГ АВАНГАРДЛИГИ?

Ҳозир пахта йиғим-теримининг авжи қизиган пайти. Ҳамма далада. Катта йўл ёқасида бутун салобати билан қад кўтариб турган кўркам бинонинг пештоқига йирик ҳарфлар билан «Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз» деган лавҳа ёзиб қўйилган. Бинога кираверишда турли шнор ва плакатлар осилгиқ турибди. Ичларида чуқур жимжитлик. Раиснинг ҳам, парткомнинг ҳам кабинетлари тақа-тақ берк. Бу ерда иш кунининг якуни ҳақида бериладиган навбатдаги сводка графаларини чизаётган колхоз правление секретаридан бўлак ҳеч ким кўринмайди. Шундай долзарб кунларда ҳаммаларнинг далада бўлиши турган гап, албатта.

Район марказидан эндигина қайтган партком секретари ўртоқ Раҳмат Усмонов билан дала бўйлаб бормоқдамиз. Яхлит пахтазорда бу йилги баракали ҳосилнинг қимматбаҳо дурдоналари, илк баҳордан то ҳанузгача тер тўкиб қилинган меҳнатнинг дастлабки бўлиқ нишоналари кўзга яққол ташланади.

— Ҳосилимиз чакки эмас,— дейди партком секретари мамнун қиёфада, — ифроф қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олсак, мажбуриятимизни бемалол бажарилади.

— Мажбурият қанчадан?

— 32 ярим центнердан.

— Кунига неча процентдан пахта топширилятти?

— Ҳозирча салкам бир процентдан.

— Кам эмасми?

— Эрта-индин ҳаммани оёққа турғизиб олсак, бир ярим, икки процентга етказамиз.

Партком яна алланималар демоқчи бўлиб турувди, чала териб кетилган пайкал четларида тўкилиб-сочилиб ётган пахталарни кўриб қолди шекилли, бироз сукутга кетди. Шу топда унинг ҳижолат тортганлиги сезилиб турарди.

— Мактаб ўқувчилари теришган эди, боласи тушмагурлар бепарволик қилишибди, — деб қўяқолди.

Коммунист Маҳамат Аҳмедов бошлиқ 3-бригада хирмонида 4—5 киши чоштгоҳгача терилган пахтани ағдар-тўнтар қилиб қуритишаятти. Бригада бир кун бурун йиллик планнинг 0,3 проценти миқдорида пахта топширган. Хирмоннинг чўғи кам, аҳвол қисталанг кўринади. Партком Усмонов табелчи йигит Жўраевдан:

— Бугун неча процент бўлади?—деб сўради.

— Қайдам, ҳаракат қилсак, бир процентга бориб қолар.

— Йўғе, бу нима деганингиз, бир ярим, икки процентдан ками кам. Ахир сиз ҳам, бригадирингиз ҳам коммунистсиз. Бошқалардан орқада қолсаларинг уят бўлади, суръатни тезлаштириш пайида бўлинглар.

Сўнгра ўртоқ Усмонов табелчи йигитга «ҳеч бўлмаса йўл ёқасидаги эгатларда сочилиб ётган пахталарни (?) териб олинглар» деб тайинлади.

Бугун ё эртага неча процент бўлишини суриштириш ва иш суръатини тезлаштиришни талаб қилиш яхши нарса, албатта. Раҳбарнинг бунга аҳамият бермай иложи йўқ. Бироқ, терим суръати нега паст, кимлар нима сабаб билан ишга чиқмаяпти, нималар етишмайди, одамлар қандай дам олишаяпти? Бу ҳақда лом-мим дейилмади. Партком секретари қали яқиндагина ўзи суруштирган рақам ва процентларни вужудга келтираётган одамларни, уларнинг дам олиши, маънавий дунёсини билишга қизиқмаганлиги галати туюлди. Ваҳоланки, бу ерда шийпон йўқ, ишга яроқли бўлганлари ҳолда, бригада аъзоларидан айримлари теримга қатнашмайди, терилган пахталарни пешма-пеш жўнатиб туриш учун от-улов етишмайди. Кундалик терим нормасини бажармаётганлар кўп. Колхозчиларнинг дам олиши яхши уюштирилмаган. Улар ўртасида анчадан бўён агитаторнинг дилкаш суҳбати ўтказилмайди, меҳнатга ундовчи жанговар чақириқлар эшитилмайди. Ясли учун бежиримгина бино қурилган-у, беланчак ва кровать йўқлигидан тўрт-беш чоқлик бола супирибсидирилмаган шолча устида ағанашиб ётибди.

Коммунист Холхўжа Азаматов бошлиқ бригадада аҳвол бир қадар тузук, деса бўлади. Кунига йиллик планнинг бир ярим проценти миқдорида пахта териб топширилмоқда. Бироқ бу ҳам кам. Чунки тераман деса, очилган пахта кўп. Бригада аъзоларининг бир қисми, ёрдамчи кучларнинг кўпчилиги теримга жалб қилинмаётганлиги, имконият бўлатуриб, айрим колхозчиларнинг нормадагидан кам пахта тераётганликлари суръатни бундан ҳам оширишга ҳалақит бераяпти. Бу бригадада ҳам пахталар ҳар ер, ҳар ерда тўкилиб-сочилиб ётибди, айрим карталарда сув қўйиш ҳали ҳам давом эттирилмоқда.

Бригаданинг яхшигина жиҳозланган, шиор, плакатлар билан шинамгина безатилган типовой дала шийпони бор. Лекин негадир унинг ошигига қулф солиб қўйилган. Бу ердаги қишлоқ хўжалигига доир турли адабиётлар, кўрсаткичлар ва бошқа кўргазмали агитация воситаларидан ҳеч ким фойдаланмайди. Ёки буларнинг ҳаммаси шунчаки ҳашамга қўйилганми? Буни билиб бўлмайди.

Шуни унутмаслик керакки, рақамлар ва процентлар одамлар ўртасида қунт билан олиб бориладиган мазмундор ва мураккаб сиёсий-тарбиявий ишлар натижасида қўлга киритилади. Бу — колхоз партия ташкилотининг асосий вазифасидир. Лекин у, колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш юзасидан йиғим-терим даврига мўлжалланган иш планига ҳам эга эмас.

Райком инструктори ўртоқ Халил Юсупов шу колхозга биркитилган. У ўз вазифасига кўра, катта пропагандист ва ташкилотчи. Афсуски, ўртоқ Юсупов колхозга камдан-кам келади. Агар у агитация-пропаганда ишлари учун жавобгар эканлигини унутмаганида, ўзи биркитилган шу колхоз аъзолари ўртасида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказилишини, кинофильмлар кўрсатилишини, деворий газета ва «Жанговар варақа»ларнинг ўз вақтида чиқариб турилишини таъминлаган бўлур эди. У ҳам ҳар сафар келганида фақат иш натижасини суруштиради:

— Неча неча процент бўлди?

Партия ташкилоти ҳисобида 76 коммунист бор. Бироқ уларнинг кўпчилиги идора атрофида ва хўжаликнинг бошқа соҳаларида иккинчи даражали ишлар билан банд. Пахтачилик бригадасида ишловчи коммунистларнинг биронтаси ҳам терим нормасини бажараётгани йўқ. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки, колхоз партия ташкилоти ҳал қилувчи ҳозирги кунларда барча коммунистларни йиғим-теримга тўла сафарбар этиш ва бу соҳада уларнинг авангардлик ролини ошириш масаласи билан мутлақо шуғулланмаётир. Коммунистлар бошлиқ бригадаларнинг кўпчилигида терим суръати жуда паст. Чунончи, коммунистлардан Шукур Фатхуллаев ва Турсунхон Исломов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар бўйича йиллик план эндигина 4—5 процент бажарилганлигига ҳеч қандай объектив сабаб йўқ.

Эҳтимол колхоз раҳбарлари атайлаб ишни ўз ҳолига ташлаб қўйгандир, бепарволик қилаётгандир? Йўқ, ундай эмас. Уларни эртадан-кечгача бригадама-бригада елиб-югурган, юзлари қорайган, ҳорғин ҳолда кўриш мумкин. Лекин ҳамма иллат шундаки, улар ишни тўғри ташкил этиш ўрнига, кўпинча рақамлар, процентларни суруштириш билан вақт ўтказадилар.

Колхоз аъзолари бу йил 1500 гектар майдонда тузуккина ҳосил етиштирдилар. Улар мамлакатга 4900 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Бироқ колхоз бўйича эндигина йиллик планнинг 10 проценти миқдорида пахта топширилибди. Бунинг сабаби колхозчилар ўртасида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларнинг яхши йўлга қўйилмаганида, коммунистларнинг авангардлик роли йўқлигида эмасмикин?

А. ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Битта бригадада саккиз машина

Эрта тонг. Ҳамма ширин уйқуда. Лекин Бакир Жумабоев бошлиқ бригада даласида иш бошланиб кетган. Терим машиналарининг гуриллаган овози баралла эшитилмоқда.

Бу бригада аъзолари 115 гектар ерда етиштирилган мўл ҳосилни фақат машинада териб олишга аҳд қилганлар. Механик-ҳайдовчилардан Аҳмадали Шерматов, Мамат Ҳайитбоевлар СХМ-48 машиналари билан мавсумда 100—125 тоннадан пахта териш учун курашмоқдалар.

Механик-ҳайдовчилар тайёрлайдиган курсни муваффақиятли битирган ёш турсунойчи Шаҳодат Муродова эришаётган ютуқлар айниқса қувончлидир.

— Бу йил мен ХВС-1,2 машинаси билан кам деганда 150 тонна пахта теришга сўз берганман,— дейди Шаҳодат,— ҳар куни 4—5 тонна пахта теряпман.

Пискент районидаги Ворошилов номли колхозда 1200 гектар ердан 900 гектар ерндаги ҳосил машинада терилади.

Машина теримида Бакир Жумабоев бригадаси намуна бўлмоқда. Ҳозир бу бригадада 8 та терим машинаси ишлатётир. Бригада 5 кунда 60 тонна пахта тайёрлади.

А. ГОЗИХОНОВ, Т. ҚОСИМОВ.

МУНОСИБ ҲИССА

ОҚҚУРҒОН, 22 сентябрь, (ЎзТАГ). Бу кун «Оққўрғон» совхозининг ёш механик-ҳайдовчиси София Салимова учун бахтли кун бўлди. Ўрта мактабни битириб чиққан бу ёш ҳайдовчи «ХВС-1,2» агрегатини биринчи марта далага чиқарди. У бир кунда 2 тонна-ю 900 килограмм пахта терди. Шунча пахтани қўлда териш учун унга камида бир ой вақт талаб қилинган бўлур эди.

София тажрибали механизатор Файзулла Ғайбуллаевнинг иш методини қунт билан ўрганмоқда. Файзулла Ғайбуллаев шу маркали агрегат билан бир кунда 4,4 тонна пахта терди.

— Демак, мен ҳам иш унумини оширсам бўлар экан! — деди София.

Куйбишев номли колхозидан комсомол аъзоси Ҳалима Абдуллаева машинада мустақил ишлаб, бир кунда икки тонна пахта терди.

Районда Турсуной Охуновадан намуна олиб ишлаётган қиз-жувонлардан яна етти киши теримни бошлаб юборди.

ЯНГИЕРДА ТЕРИМ СУРЪАТИ ПАСТ

Ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилни тез ва тоза териб оладиган долзарб кунлар келди. Шунинг учун ҳам илғор пахтакорлар отни қаттиқ қамчилаб, суръатга-суръат қўшаётирлар. Қабул пунктларига келаётган «оқ олтин»ларнинг салмоғи тобора кўпаймоқда.

Бироқ Янгиер шаҳар хўжаликларида аҳвол бутунлай бошқача, пахта йиғим-терими ҳаддан ташқари сust бораётир. Буни қуйидаги мисоллардан яққол кўриш мумкин.

Карл Маркс номли колхоз 1959 йилнинг 22 сентябрига қадар давлатга 32 процент миқдорида пахта сотган эди. Мана, қўлимизда 1960 йилнинг 22 сентябригача бўлган маълумот. Бунда 2,64 рақами бор. Демак, кўриниб турибдики, колхоз шу кунгача давлатга 2,64 процент миқдорида пахта топширибди.

3-«Боёвут» совхози ҳам теримда судралмоқда. Бу хўжаликда 22 сентябрга қадар йиллик планнинг 3 проценти миқдорида пахта тайёрланган. Ҳолбуки ўтган йилнинг шу вақтида 25 процент пахта териб олинган эди. 1, 2-«Боёвут» ҳамда «Фарҳод» совхозларида ҳам аҳвол шундай.

Илғорликнинг ҳам, қолоқликнинг ҳам сабаби бўлади. Шундай экан, Янгиерда терим суръати нега паст? Бу саволга мана бундай жавоб бериш керак: шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети ҳамда колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бутун куч ва воситаларни йиғим-теримга тўла сафарбар қилмаётирлар. Графикда белгиланган теримчиларнинг фақат 50—60 процентигина теримда қатнашмоқда.

Бу фикрни районнинг исталган хўжалиги мисолида тўла исботлаш мумкин.

Келинг, гапни 3-«Боёвут» совхозидан бошлайлик.

Белгиланган графикка кўра, совхозда ҳар куни 2160 кишн пахта терилиши лозим. Бироқ шундай бўлмаяпти. Масалан, 21 сентябрь куни теримда бор-йўғи 1230 киши қатнашган. Шулардан 200 киши пахта ортиш ва уни қабул пунктларига жўнатиш ишлари билан шуғулланган. Демак, мингдан сал ортиқ киши бевосита этак тутиб пахта терган.

Совхознинг 3, 4, 5, 6-бўлимларида, айниқса терим суръати паст. Бу бўлимларда графикда кўрсатилган ишчи кучларининг фақат 40—55 проценти теримда қатнашмоқда. 4-бўлимда 21 сентябрь куни 366 ўрнига 153 киши пахта терган. 5-бўлимда ҳам аҳвол шундай. Шунинг учун ҳам бу бўлим 22 сентябрга қадар йиллик планнинг 1,9 проценти миқдорида пахта тайёрлаган, холос.

Ўртоқ М. Тагиров бошлиқ бўлган 6-бўлимнинг иши билан ҳам қизиқдик. Ўртоқ Бўрон Эдилбеков бошлиқ 7-бригадада 85 гектар пахта майдони бор. Ҳар гектаридан 27 центнердан пахта топшириш мажбурияти олинган. Далаларда ана шу мажбуриятга яраша ҳосил бор. Бироқ уни териб олиш ва давлатга топшириш секин бораяпти. Ҳар куни 850—900 килограмм пахта терилаётир. Шунинг учун ҳам терим бошлангандан то 22 сентябрга қадар атиги 4400 килограмм пахта терилган. Хўш, иш суръати шу аҳволда бораверса, мажбурият қандай бажарилади?

Шу бригаданинг Жипек Эшонқулова, Гулсара Тожиқулова сингари илғор теримчилари бор. Бироқ улар озчиликни ташкил этади. Бригаданинг Анорбой Элмуродов, Рауф Исроилов сингари теримчилари ҳам борки, улар бир кун далага чиқиса, икки кун ўз шахсий ишлари билан банд бўлишади. Далага чиққан кунлари ҳам ялқовлик қилишади. Кун бўйи терган пахталари 20—25 килограммдан ошмайди. Бундай ялқов теримчилар совхознинг бошқа бригадаларида ҳам учрайди. Шу сабабли совхоз йиғим-теримда энг орқада. Карл Маркс номли колхоз билан ёнма-ён бормоқда.

Бўрон Эдилбеков бригадаси ҳақида яна бир ачинарли мисолни айтиб ўтмоқчимиз. Бу ерда 51 гектар ер машина теримига ажратилган. Афсуски, ҳанузгача дефолиация бошланмаган. Ғўза барги пишиб қотиб қолмоқда.

Графикда белгиланган ишчи кучларининг йиғим-теримда тўла қатнашмаслиги факти бошқа хўжаликларга ҳам таалуқлидир. «Фарҳод» совхози давлатга эндигина 3,83 процент миқдорида пахта топширди. Шундай бўлса ҳам бу ерда ҳамма имкониятдан фойдаланилмаётир. Масалан, 21 сентябрда 1190 ўрнига 733 киши пахта теримига қатнашган.

Юқоридаги сингари камчиликларга йўл қўйилаётганлиги туфайли Янгиер шаҳри теримда энг кейинги ўринда бормоқда.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитети суръатни кучайтириш учун шошилинч чоралар кўриши лозим. Шунга эришиш керакки, графикда белгиланган 12 минг кишининг ҳаммаси теримда қатнашсин. Ваҳоланки, ҳозирги кунда 7—8 минг киши теримда қатнашаётир. Колхоз ва совхозларда машина теримини авж олдириб юбориш учун ҳамма шароитни яратиш лозим. Ҳар бир теримчининг тўла унум билан ишлаши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Акс ҳолда Янгиер шаҳри теримда судралиб қолиб, мажбуриятнинг бажарилиши хавф остида қолади.

С. СУЛТОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

А. ШЕРБОЕВ,
Янгиер шаҳридаги «Ленин йўлидан» газетасининг ходими.

Мажбурият ҳисобига

Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг чорвадорлари гўшт, сут, ёғ етиштиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар. Айниқса, силос бостиришда кўзга кўринарли иш қилинди. Комбайнчи ўртоқ А. Сатторов ишидан барча мамнун бўлди. У маккажўхори кўкпоясини ўз вақтида сифатли ўриб бермоқда. Натижада силос бостириш суръати кучайди. 4 минг ўрнига 6 минг тонна силос бостирилди. Ҳозиргача 10 минг тонна силос бостирилди.

Шоферлардан Д. Турдиев, Т. Давронов, Э. Эшбеков, Ж. Тожибоев ўртоқлар унумли меҳнат қилдилар. Колхозда ҳозир ҳам мажбурият ҳисобига силос бостирилаётир.

Т. ҚУШМАМАТОВ.

КОММУНИСТ ЖЎРАЕВ ОЛДИНДА

Ўтган йили Солижон Жўраев бошлиқ бригада 70 гектар ерда сабзавот, картошка ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириб, планини 117 процент бажарди. Коммунист Жўраев эришилган ютуқлар билан қаноатланиб қоладиганлардан эмас.

— Менга қўриқ ердан ажратиб берсангиз, — деди у совхоз дирекциясига, — кўплашиб туриб, шу ерларни ҳам ҳосиллор қиламиз.

Дирекция унинг илтимосини қондирди. Чирчиқ бўйидаги ажриқ босган ерлардан 116 гектари унинг бригадасига ажратилди. Шунингдек зарур миқдорда ишчи кучи биркитилди. Бу воқеа шу йилнинг бошида бўлиб ўтган эди.

Бригада аъзолари эрта баҳорданоқ ишни қизитиб юбордилар. Улар механизацияга суяниб иш қилдилар. Насриддин Мухитдинов бошлиқ бригадани мусобақага чақирдилар. Шудгорлаш, ўғитлаш, экиш, парвариш қилиш ишлари ўз муддатида юқори агротехника савиясида ўтказилди. Картошка, маккажўхори, қовун-тарвуз, қарам сингари экинлар квадрат-уялаб экилиб, механизация воситасида ишлов берилди. Натижада ҳосил мўл бўлди. Эртаги картошкаининг ҳар гектаридан 10,5 тонна ўрнига 12 тоннадан ҳосил олинди. Шунингдек карам, тарвуз ҳосили ҳам кутганидан ортиқ бўлди.

— Бригадамиз бўйича 9 гектар ерга помидор экканн эдик, — дейди Жўраев, — гектаридан 22 тоннадан ошириб ҳосил олинди. Яна камида гектар бошига 12 — 13 тоннадан помидор териб оламиз.

Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозининг 3- бўлимидаги ўртоқ Солижон Жўраев бошлиқ бригада бу йил 851 тонна сабзавот, 100 тоннадан ортиқ қовун-тарвуз, 180 тоннага яқин картошка етиштириш мажбуриятини олган эди. Ҳозиргача 650 тонна сабзавот ва 150 тоннага яқин қовун-тарвуз йиғиб олинди.

Силос бостириш соҳасида ҳам яхши натижаларга эришилди. Ҳозиргача 400 тоннадан ортиқ пичан тайёрланди. Шундай қилиб, бу бригада ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича Насриддин Мухитдинов бригадасидан ўзиб кетиб, совхозда биринчиликни қўлга киритди. Дирекция бу бригадани қўй билан мукофотлади.

Коммунист Жўраев бригадаси илғорликни қўлдан бермаслик мақсадида кечки экинларни парвариш қилишда механизацияни кенг қўлланиб, мўл ҳосил етиштириш йўлида курашни давом эттирмоқда.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ,
М. КАРИМОВ, И. РУСТАМОВ.

Бу дугоналар Бўка районидаги Ильич номли колхозининг кўпмингкилограммчи теримчилари Тансиқ Мамирова ва Санавот Онарбоевалардир. Уларнинг ҳар бири мавсумда 20 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб фидокорона меҳнат қилмоқда.

М. Шевелев фотоси.

БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг кеча кундузги мажлисида процедура масалаларини қараб чиқиш давом этди. Етти комитетнинг раиси сайланиши муносабати билан Бош Ассамблея ана шу комитетлар сифатида навбатма-навбат мажлис ўтказади. Цейлон вакили К. Кореа биринчи комитетнинг (сиёсий масалалар ва хавфсизлик масалалари бўйича) раиси қилиб сайланди. Гаити делегати К. Огюст махсус сиёсий комитетнинг раиси қилиб сайланди.

Иккинчи комитет (иқтисодий ва молия масалалари бўйича) Югославия вакили Я. Становникни ўз раиси қилиб сайлади. Руминия делегати Э. Мезинческу учинчи комитетнинг (социал, гуманитар ва маданий масалалар бўйича) раиси қилиб сайланди. Тўртинчи комитет (васийлик масалалари бўйича) Ироқ вакили А. Пачачини ўз раиси қилиб сайлади. Италия делегати М. Майоли бешинчи комитетнинг (маъмурий ва бюджет масалалари бўйича) раиси қилиб, Коста-Рика вакили М. Г. Ортис олтинчи комитет (юридик комитет)нинг раиси қилиб сайланди.

Шундан кейин, Бош Ассамблеянинг ялпи мажлисида Бош Ассамблея раисининг 13 ўринбосари сайланди. Осиё ва Африка мамлакатлари группасидан кўпчилик овоз билан Япония, Ливия, Судан ва Покистон вакиллари, Шарқий Европа мамлакатларидан Болгария вакили, Латин Америкасидан Венесуэла ва Панама вакиллари ҳамда Британия миллатлар бирдамлигидан Канада вакили сайланди. Бундан ташқари, Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси ҳам раис ўринбосарлари қилиб сайланади. Шундай қилиб, бош комитетнинг состави ҳам белгиланди. Бош комитетнинг составида Бош Ассамблеянинг раиси (бош комитетда раислик қилувчи), Бош Ассамблея раисининг 13 ўринбосари ва етти комитетнинг вакиллари бор.

Шу билан сессия ишининг иккинчи куни тамом бўлди. Бугун эрта билан Бош Ассамблеяда умумий сиёсий мунозара бошланади. Кундузи Бош Комитетнинг мажлиси бўлади. Бу мажлис кун тартиби, масалаларни комитетларга тақсимлаб бериш ва уларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида тавсиялар қабул қилиши лозим.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь. (ТАСС). Нью-Йорк вақти билан соат 10—20 минутда (Москва вақти билан соат 17—20 минутда) совет делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносига келди. Чехословакия президенти А. Новотний, Куба бош министри Ф. Кастро, бошқа мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари тушган машиналар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган мамлакатлар байроқлари билан безатилган майдонга бирин-кетин кириб келадилар.

БМТ биносининг вестибюлида Н. С. Хрушчев Бош Ассамблеяга келган делегацияларнинг раҳбарлари ва аъзолари билан саломлашиб кўришади, Югославия президенти И. Тито билан суҳбат қилади. Мажлислар залида Куба бош министри Ф. Кастро совет делегацияси бошлиғи ёнига келади. Н. С. Хрушчев Куба ҳукуматининг бошлиғини самимий табриклайди ва уни совет делегациясининг аъзолари билан таништиради.

Нью-Йорк вақти билан соат 10—45 минутда (Москва вақти билан соат 17—45 минутда) Бош Ассамблеянинг эрталабки ялпи мажлиси бошланди. Бош Ассамблея бугун умумий сиёсий мунозара бошлайди.

Биринчи нотиққа сўз беришдан аввал Бош Ассамблея раиси Эфиопия императори Хайле Селассиедан ҳозиргина олинган мактубни ўқиб берди. Хайле Селассие ўз мактубида давлатлар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари қатнашаётган сессияда ҳалқларни бир-биридан ажратиб турган халқаро проблемаларни ҳал этиш йўли топилади, деб умид билдиради. Эфиопия императори Конгодаги аҳволдан ташвишланганлигини изҳор қилиб, Бош Ассамблеяни Конго масаласига кўпроқ эътибор беришга чақиради.

Бразилия ташқи ишлар министри Орацио Лафер умумий сиёсий мунозарани бошлаб берди. Бразилия делегациясининг бошлиғи ўз нутқида ихтилофларни тинч йўл билан бартараф қилиш масалаларига, ҳар қандай воситалар билан қирғин урушнинг олдини олиш зарурлигига кўпроқ эътибор берди. «Халқларнинг тинч-тотув яшаши,— деди у,— биз ишлаб турган замонда жуда зарурдир». Лафер ядро қуролининг ривожлантирилиши урушнинг «сиёсат қурол» бўлишини йўқ қилади деб таъкидлаб, «халқларни бир-биридан ажратиб турган ихтилофларни музокаралар йўли билан бартараф қилиш зарур бўлиб қолди», деди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь. (ТАСС). Бугун Эйзенхауэр Африка мамлакатларида ва кам тараққий этган бошқа мамлакатларда «очлик ва тўйиб овқат емасликдан азоб чекаётган юз миллионларча кишилар борлигини, бир қанча мамлакатларларда, шу жумладан, Қўшма Штатларда ҳам ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганлигига қарамай, шундай аҳвол ҳукм сураётганлиги»ни кўрсатди. Аммо, у «бундай парадоксга» хотима бериш истагини билдириб, АҚШ БМТнинг бошқа аъзолари билан биргаликда тегишли планларни ишлаб чиқишга тайёрдир, деган умумий ваъдалар билангина чекланди.

Эйзенхауэр Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари олдида турган иккинчи проблемага тўхталиб, космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш зарур эканлигини айтди. Шу билан бирга у, Совет Иттифоқининг айни билан 1946 йилда атом энергиясидан тинчлик мақсадларидагина фойдаланиш имконияти қўлдан бой берилди, деб даъво қилди.

Қўшма Штатлар президенти номуаллан узоқ келгусида батамом ва ёппасига қуролсизланишни таъминлаш мақбул эканлиги тўғрисида умумий гаплар айтиш билан кифояланди. Аммо, Эйзенхауэр авваллагидек бу сафар ҳам қуролсизланишга эмас, балки қурол-яроғларни контроль қилиш кераклигига асосий эътиборни қаратди. Америка президенти ёппасига ва батамом қуролсизланиш гоясини ҳақиқатда йўққа чиқариб, Совет Иттифоқи қуролсизланиш тўғрисидаги музокараларни барбод этди, деб уни айбламоқчи бўлди ва Қўшма Штатларнинг бу соҳадаги таклифлари «конкрет ва самарали тадбирлар»ни кўзда тутган эди, деб даъво қилди. Лекин шунга қарамай, бу таклифлар ёппасига қуролсизланишга тааллуқли бўлмай, балки қурол-яроғлар устидан контроль ўрнатиш»нигина кўзда тутганлигини, унинг ўзи ҳам рад қилмади.

Сўнгра, Эйзенхауэр «ҳисобда янглишиш орқасида рўй берадиган уруш хавфи» ва «ядро қуроли запасларининг кўпайиб бораётганлиги хавфи» борлигини кўрсатди. Президент ана шу икки хавфни бартараф қилиш кераклигини айтиб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш каби жуда зарур проблема ҳақида лом-мим демади. У, ядро қуроли ишлаб чиқариш устидан тегишли контроль ўрнатилган ҳолда, синовларни тўхтатиш масаласини қараб чиқиш учун экспертлар кенгашини чақириш ҳақида таклиф киритиш билан чекланди.

АҚШ президенти айрим мамлакатлар халқаро инспекция учун ўз қуролли кучларини ошкора қилиб қўядиган бўлсалар, қўққисдан ҳужум қилиш хавфи йўқотилиши мумкин, деб даъво қилиб, жосусликни ошкора давом эттиришни яна ёқлаб чиқди.

Президент сўзининг охирида Америка разведкачи бомбардимончи самолётининг жосуслик мақсадида Совет Иттифоқи территорияси устидан учганлигини оқламоқчи бўлди ва бу самолётнинг йўқ қилиб юборилганлиги «барча давлатларнинг халқаро сувлар устида тинч мақсадда учиш ҳуқуқини» бузишдир, деб даъво қилди.

* * *

НЬЮ-ЙОРК, 22 сентябрь (ТАСС). Бугун Эйзенхауэрдан кейин сўзга чиққан Югославия президенти Тито Бош Ассамблеянинг ҳозирги сессиясида БМТнинг янги аъзолари — ҳали яқиндагина ўз мустақиллигига эришган Африка мамлакатларининг кўп вакиллари ҳозир бўлганлигидан ўз мамлакати делегацияси номидан мамнун эканлигини айтди. Биз, деди Тито, ҳозирги пайтда мустамлакачилар ҳукмронлиги остида қолган барча халқларнинг мустақилликка эришишлари натижасида, шунингдек Хитой Халқ Республикасининг БМТда ўз вакилига эга бўлиш ҳуқуқини тан олиш натижасида БМТ яқин келгусида ҳақиқатан ҳам универсал ташкилот бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Тито сўзини давом эттириб бундай деди: Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан буён 15 йил ўтди, аммо, катта проблемаларнинг бирортасини ҳам ҳал этиш йўли ҳали топилганича йўқ. Бунга сабаб шуки, халқаро проблемаларни ҳал этишга «зўравонлик позицияси»да туриб қарадилар. Кейинги йилда, деб сўзини давом эттирди Югославия президенти, халқаро вазият ёмонлашди, Парижда юксак доирада ўтказиладиган кенгаш барбод этилди, Женевада қуролсизланиш ҳақидаги музокаралар тўхтаб қолди, ядро ва термоядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида бир битимга келиш доим кечиктирилмоқда, хуллас, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда кескинликни кучайтириш майиллари бор. Ташвиш туғдирадиган ана шу майиллар яқинда бундесверни ядро қуроли билан қуроллантириш ҳақидаги талабларда ўз ифодасини топди. Биз, югославлар, Ғарбий Германияда милитаризмнинг қайтадан тикланишидан роят ташвишланмоқдамиз.

Тито айтдики, мустамлакачи давлатларнинг кўплари Африкада рўй бераётган тарихий тенденциялар билан муроса қилишни истамаётирлар ва бу процессларни сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий чоралар ёрдами билан тўхтатиб қўйишга уринмоқдалар. Югославия делегациясининг бошлиғи яна бундай деди: Конго негатив мустамлакачилик сиёсатининг, мустамлакачи кучлар ва доираларнинг тор манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқаридан аралашишнинг энг типик кўринишлари майдонидир.

Шундан кейин Тито қуролсизланиш проблемаси тўғрисида батафсил гапирди ва бу проблемани ҳал этиш жуда зарур эканлигини таъкидлаб.

Тито бундай деди: Айни бир вақт ичида музокараларни муваффақиятли суратда олиб бориш ва музокараларда қатнашувчи томонларнинг суверенитети ва миллий чегараларини бузиш мумкин, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Югославия делегациясининг бошлиғи ўз нутқининг сўнгги қисмини давлатларнинг тинч-тотув яшаши проблемасига бағишлади. Ҳозирги дунё, деб уқтириб ўтди Тито, тинчлик ва инсониятнинг истиқболи боғлиқ бўлган проблемаларни муваффақиятли ҳал этишни истайдиган бўлса, ҳеч мустасносиз, ҳамма халқлар тинч-тотув яшаш принципларини қабул қилишлари зарур ва ҳар жойда ва ҳар қайси ҳолатда ўтказиладиган ўзаро муносабатларида ана шу принципларга амал қилишлари керак.

Югославия делегациясининг бошлиғи Бош Ассамблея ўзининг ҳозирги сессиясида, масалан, хатти-ҳаракат қоидалари тўғрисидаги декларация шаклида умумий директиваларни маъқуллаши кераклигини айтди.

Япония ташқи ишлар министри Косака мажлисининг охирида сўзга чиқиб, халқаро кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш проблемасига кўпроқ эътибор берди. У, совуқ урушни тўхтатиш ва халқаро кескинликни юмшатиш зарур эканлигини таъкидлаб, барча давлатлар сўзда эмас, балки амалда тинчликка интилишлари лозим, деди. Япония делегацияси, деди Косака қуролсизланиш ҳақидаги музокараларни тезлатиш зарур, деб таъкидлашни истайди.

Шу билан бирга, Япония ташқи ишлар министри Қўшма Штатларнинг ёппасига ва батамом қуролсизланиш гоясини йўққа чиқаришга қаратилган сиёсатини оқламоқчи бўлди.

Косака сўзининг охирида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва социал соҳалардаги ишларига тааллуқли масалаларга тўхталиб ўтди. Япония ташқи ишлар министри нутқининг шу қисми Япония билан бошқа капиталистик мамлакатлар ўртасида, биринчи галда, Япония билан АҚШ ўртасида жаҳон бозорларидаги кескин зиддиятларни бирмунча ҳираластирилган шаклда бўлса ҳам акс эттирди.

Шу билан Бош Ассамблеянинг ялпи мажлиси тамом бўлди.

Бош Ассамблеянинг навбатдаги мажлиси эртага бўлади.

Кенг истеъмол товарлари виставкаси

20 сентябрда маданий-маиший ва уй-рўзғор товарлари республика виставкаси очилди. Виставка Ўзбекистон ССР Савдо палатаси томонидан ўтказилмоқда. Округ офицерлар уйининг бир неча залларида Ўзбекистон корхоналари томонидан тақдим этилган экспонатлар, шунингдек бошқа иттифоқчи республикалар ҳамда бир қанча чет мамлакатлар саноати томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг нусхалари қўйилган.

Виставкада донали ва комплектли мебеллар, уй-рўзғор буюмлари, ўйинчоқлар, бадиий буюмлар, инструментлар, ёритиш арматураси, идиш-товоқлар, атторлик, спорт буюмлари ва бошқа товарлар айниқса кенг ўрин олган.

Маҳаллий корхоналар ишлаб чиқараётган товарларнинг таснирида шу товарлардан қанча миқдорда ишлаб чиқариш мумкинлигини ҳам кўрсатиб қўйилган.

Суратда: виставка залида.

А. **Заблоцкий** фотоси.

ТИТО ЭЙЗЕНХАУЭР БИЛАН УЧРАШДИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 сентябрь. (ТАСС). Кеча куннинг иккинчи ярмида «Уолдорф-Астория» отелида АҚШ президенти Эйзенхауэр Югославия Федератив Халқ Республикасининг президенти Тито билан учрашди.

Учрашувдан кейин эълон қилинган баёнотда муҳокама қилинган масалалар кўрсатилмаган.

КОНГО РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ БОШ МИНИСТРИНИНГ УРИНБОСАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ЛОНДОН, 23 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Конго Республикаси ҳукумати бош министрининг ўринбосари Антуан Гизенга полковник Мобуту солдатлари томонидан қамоққа олинганлиги бу ерда расмий равишда эълон қилинган.

Телевизор экранида

24 СЕНТЯБРДА

19.00. «Звездочка». Кичик ёшдаги ўқувчилар учун телевизион журнал.
19.35. Чет эл кинохроникаси.
19.45. Сўнгги ахборот.
20.05. «Мўндирнинг кучи» — кинокомедия.
21.35. Рақс қўйлари.
22.05. Кинофильмлардан қўшиқлар. (Ўзбек тилида).
22.25. Ўзбек тилида адабий-музикали эшиттириш «Пахтазор қўйлари».

Об-ҳаво қандай бўлади?

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво бироз булутли бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 10 — 12, областда 9 — 14, кундузи Тошкентда 24 — 26, областда эса 22—27 даража иссиқ бўлади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„Саёқ юрсанг, таёқ ейсан“

Газетамизнинг шу йил 11 сентябрь сонида босилган «Отарчилар» ва 18 сентябрь сонида босилган «Саёқ юрсанг, таёқ ейсан» сарлавҳали танқидий материалларга редакция қуйидаги жавобни олди:

«Ҳар икки материал Узбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитетининг мажлиси ҳамда ўзбек халқ чолғу асбоблари орнестри коллективи йиғилишида кенг муҳокама қилинди.

Муҳокамада газета бу масалани жуда тўғри ва ўз вақтида кўтарганлиги қайд қилинди. Оркестр солистлари Карим Мўминов, Михаил Ауловларнинг хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланди. Карим Мўминов, Михаил Аулов ва бошқа айрим солистлар текинхўрлик йўли билан шахсий бойлик орттириш, тўйматўй юриб халқ пулини шилиш йўлига ўтиб олиб, совет санъаткори деган юксак номга доғ тушиردилар. Жамоатчиликни менсимай қўйдилар. Санъатимизнинг обрўсига путур етказдилар.

Муҳокамада Юнус Ражабий, Саиджон Калонов, Хайри Изомов, С. Бухораева, М. Юнусов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, бу саёқ артистларнинг фаолиятини қаттиқ танқид қилдилар. Шу билан бирга улар оркестр составидаги бошқа айрим солистларнинг ҳам отарчилик билан шуғулланиб келаётганликларини кўрсатиб ўтдилар. Бошланғич партия ташкилоти оркестр солистлари ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни бўшаштириб юборганлиги таъкидланди. Бундан кейин коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни яхшилаш ва Узбекистон радиосининг обрўйига путур етказадиган кишиларга қарши кескин кураш олиб бориш зарурлиги кўрсатилди.

Халқ олдида ўзини обрўсизлантирган Карим Мўминовга сўнгги огоҳлантириш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Унинг ижросидаги ашулаларни маълум муддатгача радио орқали эшиттирмаслик, телевизор экранига чиқармасликка қарор қилинди. Шунингдек М. Ауловга ҳам виговор берилди.

Бундан ташқари ўз шахсий манфаати йўлида жамоатчиликни менсимай, пулга тузоқ қўйган халтурачи, текинхўр Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаров, Муҳаммаджон Мирзаев ва Асқар Убайдуллаевлар ижросидаги асарлар ҳам радио репертуаридан чиқариб ташланди».

И. УКТАМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшиттириш ва телевидение комитети раисининг ўринбосари.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/IX да **Евгений Онегин**, 25/IX да **Анда** (билетлар сотилган).

Минг қиёфага кирган киши — қишки «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (эрталаб соат 10 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 8 ярим ва 10 яримда).

Мистер Питкин душманнинг орқа томонида — «МИР», «ИСКРА», қишки НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 8 яримда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 8 да), ТЕЛЬМАН номли (кеч 7-45 минут ва 9 яримда).

Мэнди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), ПУШКИН номли, «УДАРНИК» (кеч соат 8 ярим ва 10 яримда).

Отряд командири — ёзги «ВАТАН» (кеч соат 8 ярим ва 10 яримда), ёзги НАВОИЙ номли (кеч 10 яримда).

Чин инсон ҳақида қисса — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8 ярим ва 10 яримда).

Янги Дехли (1 ва 2 серия) — КАФАНОВ номли (кеч соат 8 яримда).

Сутчи Хилья — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 9-40 минутда).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"НИНГ рейд бригадаси

ТОШКЕНТ АҲОЛИСИНИ САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Мева-сабзавот комбинати нега битмаётир?

Тўкин-сочин сахий куз келди. Колхоз, совхоз боғларида мева ва сабзавот ҳар йилгидан мўл. Пойтахтимиз атрофидаги хўжаликларда ҳосилиги кўз-кўз қилиб турган мевазор, токзор ва полизларни кўриб ҳавасингиз келади.

Деҳқон шаҳарликларга машинамашина сархил сабзавот ва ҳўл мева жўнатаётир. Деҳқоннинг саховати эўр. У шаҳар аҳолисини бутун қиш бўйи ҳам ёзнинг нозне-ъматлари билан таъминлай олади.

Лекин кеч куз ва қишга келиб совет-колхоз бозорларида, ишчи ошхоналарида, шаҳар магазинларида ҳўл мева ҳам, сабзавот ҳам тортилиб қолаяпти. Бу — текинхўр, олибсотарларга қўл келмоқда. Бунинг учун деҳқон эйбдор дейсизми? Ҳеч ҳам-да!

Қиш кезлари бирни иккига олиётганингиз учун шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг раҳбарлари Муҳиддинов, Алахвердиев ва «Плодоовощтрест» бошлиғи Айрапетов, «Облсельстрой» бошлиғи Ғаниев ўртоқлардан ўпкалай беринг! Сабаб улар чайнаб берсанг ютаман қабилида иш тутишаяпти! Акс ҳолда миришкор деҳқон пешона тер тўкиб етиштирган нозу-неъматларни қишга асрашга жойимиз йўқ, деб ўтиришмасди.

Бу йил план бўйича «Ташплодоовощтрест» йўли билан 15500 тонна картошка, 1880 тонна пиёз, 1170 тонна сабзи, 570 тонна лавлаги, 1000 тонна тузланмаган карам ва бошқа сабзавотлар, жами 20300 тонна маҳсулотни қишга сақлаш керак. Бу ўтган йилларгидан анча кўп Аммо «Ташплодоовощтрест»нинг мавжуд омборларига ҳаммаси бўлиб 5-6 минг тоннагина сабзавот сигади. Хўш, қолганларини қаерга жойлаштириш керак? Тўғри, пойтахтимизнинг турли жойларида омборлар қуришга киришилган. Бироқ арзимаган сабабларга кўра, ҳали бирортаси ҳам фойдаланишга топширилгани йўқ.

Маълумки, Оқтепа массивида мева-сабзавот комбинати қурилаяпти. Қурилиш бошланганига оз эмас, кўп эмас «атиги» тўрт йил бўлди. Аммо ҳали бу яқин ўртада фойдаланишга топшириладиган эмас.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳар аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорида 1960 йилда комбинат қурилишини тугаллаш билан бирга, унинг ёнида кунига 20 тонна картошка ва 20 тонна сабзавотни ювиб, тозалаб, қуритиб берадиган махсус цех ва 4500 квадрат метрлик теплица ҳам барпо қилиш алоҳида уқтириб ўтилган эди. Балки сиз қурилишда бурилиш ясалгандир, деб ўйларсиз? Афсуски, ундай эмас. У ерга қачон борманг, бинокорлар кун бўйи тўп-тўп бўлиб гурунглашиб ўтиришади.

— Бекорчилик ҳам жонга тегди-да, номига ишга келамиз. Бошлиқларга арз қилган билан сариқчақалик нафи йўқ, — дейишади улар куйиниб.

— Иш топилмаганидан кейин шуда, қўлимизни қаерга уришни билмай, қозон-товоққа урониб кетамиз,-дейди ишчи М. Қаҳҳоров.

— Бошлиқлар кунч кеча 8 кубометр тахта юборишди. Мана энди ўтинга ҳам сероб бўлиб қолдик. Чунки у қозон тагига қалашдан бошқа нарсага ярамайди, — дейди мастер А. Рибкин, бир чеккага уюлиб ташланган қингирқийшиқ, чириган тахталарни кўрсатиб.

Бетончилар ҳам кўпинча қўл қовуштириб ўтиришади. Сабаб, 9 — 10 тонна ўрнига 2 тоннага етар-етмас цемент олишади. Бу ҳам ҳар куни бўлса кошки эди! Шунинг учун ғайратига чидай олмаган 30 бетончи бошқа объектга кетиб қолибди.

Қурилишда 10 та ўрнига борйўғи 2-3 тагина машина имирсилаб турибди. Пул бўлса чангалда шўрва дейишарди. Тўрт йил ўтиб кетибди-ю, ажратилган 13 миллион маблағнинг 8 миллионга яқини ўзлаштирилди. Шундай ҳам масъулиятсизлик бўладими?

Комбинатнинг айрим участкалари аллақачон қўлдан чиққан-у, аммо фойдаланишга яроқсиз. Масалан, 1000 тонна сабзавот сигадиган омбор биносини олайлик. Унинг усти ёпилса бас, аммо толь йўқ. Қачон келтирилиши ҳам номаълум. Худди шунингдек, картошка сақланадиган бино ҳам арзимаган сабаб билан бир йилдан бери фойдаланишга топширилмай турибди.

Ўтган йили Россия Федерациясидан келтирилган 1500 тонна картошка жой йўқлиги туфайли комбинатнинг чала-ярим қурилган омборига туширилган эди. Саккиз ой давомида унинг қанчаси бузилиб, нес-нобуд бўлиб кетмади! Аҳвол ҳамон ўша-ўша. Бу, Муҳиддинов, Алахвердиев, Айрапетов, Ғаниев ўртоқларнинг ўтган йилги сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб олмаганлари, партия давлат ва халқ олдидаги ўз бурчларини унутиб қўяётганликларини кўрсатмайдими? Ахир бу ўртоқлар қачонгача муҳим объект қурилишини судрайдилар?

Мева, сабзавот омборлари қуришга жавобгар раҳбарлар номини иш бўлса, ўлда-жўлда ташлаб кетишга одатланиб қолганга ўхшайдилар. Комбинат қурилиши-ку тўя гўшти еган экан, бошқа объектларда бундан ҳам «қизиқ» ҳангомалар бўлмоқда. Масалан, Горний Чирчиқ темир йўл станцияси ёқасига жойлашган 2-базада картошка-пиёз омбори қурилишига енг шимариб ишга киришилди. Ҳатто шу йил 15 августда фойдаланишга топширамиз деб, ваъда ҳам берилди. Бироқ қурилиш ярмига борганда иш тақа-тақ тўхтатиб қўйилди. Белгиланган муддат аллақачон ўтиб кетди. Ҳали омборнинг на томи ёпилган, на вентиляция установкалар ўрнатилган. Ҳар ер-ҳар ерда осилиб ётган электр симлари ҳақида гапиришга тил ҳам бормайди. Аҳвол-ку шундай-а, аммо Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги капитал қурилиш бўлимининг бошлиғи Пензин, 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Дегтярев ўртоқлар: гап битта бўлади, ваъда бердикми-бажарамиз, деб ҳамон кўкракка уриб юришибди.

Бу ўртоқлар Шота Руставели кўчасидаги 1 ва 6-базаларда, Узгариш тайёрлов пунктида ҳам ишни ўзларича «қойил» қилиб ташлашди. Ҳақиқатда эса бу объектларнинг бирортаси ҳам картошка, мева ва сабзавотни қишга асрашга мутлақо ярамайди.

Бир қатор склад бинолари ва ҳовузлар қуриш, мавжудларини капитал ремонт қилиш учун 2 миллион сўм ажратилган эди. Бироқ республика Савдо министрлиги ҳам, шаҳар савдо бошқармаси ҳам бу қурилишларни етарли бинокорлик материаллари билан таъминламади. Мана рақамлар: 15 минг дона ўрнига 950 та шифер, 1100 тонна ўрнига атиги 5 тонна цемент, 180 минг ўрнига бор-йўғи 48 минг дона ғишт берилди, холос. Ахир қуруқ пулдан бизо ясаб бўлмаслиги ёш болага ҳам аён-ку! Наҳотки Министрликдаги ва шаҳар савдо бошқармасидаги ўртоқлар бунинг фаҳмига боришмаса! Қўйлиқ ва Келес тайёрлов пунктларидаги картошка омборлари, 4-база, Қатортол, Назарбек тайёрлов пунктларининг маҳсулот қабул қилишга тайёр эмаслигининг боиси худди шунда.

Сир эмас, тузланган мева, сабзавот сақлайдиган жой танқис. Буни бартараф қилиш учун махсус механизациялашган бочка ясайдиган цех қуришга қарор қилинди. Кошки цех ишга тушган бўлса! У ҳам чала-ярим. Эссиз меҳнат, эссиз маблағ. Ғанимат дамларни бой берган боқибеғамлар энди дўппи тор келганда худди ўтган йилдагидек мева, сабзавотни қаерга тузлашни билмай, бош қотириб ўтиришибди. «Ташплодоовощтрест» раҳбарлари, шахсан унинг бошлиғи ўртоқ Айрапетов бўлса ҳамон қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, ваъдабозликдан нарига ўтмаётир. Комбинат, талайгина омборлар қурилиши чала-ярим ётганлиги сизларни ташвишга солмаётир. Ахир бу билан заказчи қизиқмаса, ким қизиқади?

Юқорида номлари санаб ўтилган раҳбар ўртоқлар, қани айтинг-чи, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг пойтахт меҳнаткашларини сабзавот, мева билан таъминлаш тўғрисидаги қарорининг лоақал бирор пунктини тўла бажардингизми? Йўқ!

Мазкур қарорда Республика госплани ва «Ўзбекбирлашув» зиммасига ҳам анчагина ишлар юклатилган эди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ана шу кўрсатмаларнинг бирортаси ҳам амалга оширилгани йўқ.

Айрим раҳбар ўртоқлар, қарорлар қабул қилинаверади, ижросини ким ҳам текширарди, деб чучварани хом санаб юрганга ўхшайдилар. Йўқ ундай эмас. Буларнинг ҳам ишини текшириб, танобларини тортиб қўядиган юқори ташкилотлар ҳам бор.

Р. УСМОНОВ,
революция ветерани.
Қ. ТОШМУҲАМЕДОВ,
Тошкентдаги 3-мебель фабрикасининг ишчиси.
З. МУҲАММАДЖОНОВ.
С. МУСАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Р. 10108. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А. 1879.